

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“ГРАФИКА (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)” ЙЎНАЛИШИ

**“АНЬАНАВИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ГРАФИКА АШЁЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи: К.Беҳзод номидаги МРДИ “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси доцени М.М.Сабиров

Тақризчилар: К. Беҳзод номидаги МРДИ “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси доценти Б.Б.Хаджиметов

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кенгашининг 201__ йил _____даги __ - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	12
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	19
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	81
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	Ошибка! Закладка не определена.
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	81
VII. ГЛОССАРИЙ	82
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	84

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли **Қ**арорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқкан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

“Рангтасвири (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Рангтасвири (турлари бўйича)” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талabalар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуидаги билим, кўникма, малака хамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- Ёзув ашёлари тарихи,турларини;
- Қоғоз тарихи Хитой корея,Япония;
- Моварауннахр –Самарқанд ,Бухор,Қўқон қоғозлари;
- Қоғознинг араб ва Европа ерларига тарқалиши ҳақида
- Қоғоз охрлаш усуллари;
- Графиканинг юмшоқ ашёлари,турлариҳақида ;
- Пигментлар, турлари;
- Боғловчилар турлари;
- Смола лок ҳақида;
- Сувли бўёқлар турлариҳақида;
- Мойли бўёқлар тайёрлаш усули;
- Олтиндан металл бўёқ тайёрлаш усули;
- Босма нашр асосчилари Би-Шен ва И.Гутенбергихтирилариҳақида;
- Граюра эстамп,графика турлариҳақида;
- Рангшуносли тарихи ва асосий ранглар қўшимча ранглар ҳақида
- Рангшуносфанини шаклантирган оимлар ҳақида
- Глобал интернет тамоғидан мақсадли фойдаланишни;
Рагларнинг инсон рухиятига таъсир этишини
- 6- 12-24дан иборат ранг доиралари муаллифлари асосларини
- графика санъати соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** лозим.

Тингловчи:

- қоғоз сатхини грунтлаш;
- табиий унсурлардан пигмен тайёрлаш;
- сувли бўёқлар ва омиҳтасидан унумли фойдаланиш;
- мато сатхини грунтлаш тасвирий санъат соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** лозим.
- юмшоқ график ашёла тайёрлашни
- ўз асарини узоқ сақланишини таминлаш ва ҳимоялаш ;
- мойларни тозалаш;
- суюлтирувчиларни ишлатишда санитария ва ёнғин ҳафсизлик қоидаларига риоя қилиш;
- ўз соҳаси бўйича янги электрон ўқув адабиётларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш;

- глобал интернет тармоғидан ўз соҳаси бўйича малумотлар ахтариш, нусха олиш фойдаланиш;
- фан мавзулари бўйича тақдимот тайёрлаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тасвирий ва амалий санъат ашёларидан амалда унумли фойдаланиш;
- тасвирий ва амалий санъат қуроллари қалам, мўйқалам, қамишқаламни мустақил тайёрлаш;
- ашё сатхларини грут қилиш;
- ранглар орқали инсон руҳиятига танъсир ўтқаза олиш;
- замонавий ашёлардан унумли фойдаланиш;
- ўз асарини узоқ вақт давомида сифатли сақланишини таъминлай олиш; график асарларни ҳимоялаш;
- суюлтирувчилардан фойдаланганда санитария ва ёнгин ҳафсизлигини таъминлаш;
- папье маше тайёрлаш;
- олтин бўёқни жилолаш;
- комедларни эритиш;
- кўмир қаламни мустақил тайёрлаш;
- бўёқларни хусиятидан келиб чиқиб тўғри ишлатиш;
- ашёлардан фойдаланганда илғор тажрибалар қўллаш;
- компьютернинг график дастурларидан фойдаланиб ижодий тақдимотлар тайёрлаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ранг хусусиятларини англаш орқали ижодий ишлаш;
- бўёқ турлари, фактура, текстура хусусиятларидан фойдаланиб бетакрор суратлар ишлаш;
- бадиий китобларга ижодий иллюстрациялар чизиш;
- тасвирий суратлар ишлашда жодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш;
- Ўзбекистон тарихи мавзуларида ижодий ишлаш;
- кўргазмалар учун рақобатбардош ижодий суратлар ишлаш;
- ўз билим .кўникмаларини ёшларга етказиш;
- ўз асарларини интернет тамоғи, матбуотда тарғиб қилиш
- **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот - коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, бирор бир асарни тасвирлаш каби усулларини қўллаш назарда тутилади.

- кўчма машғулотда Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Амалий санъат музейи, Камолиддин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати номидаги музей, Бадиий академия кўргазмалар зали, Замонавий санъат галереяга ташриф буюрилади ва бирор бир асар танланади. Танланган асарлар машғулотлар сўнгига таҳлил қилинади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Анъанавий ва замонавий графика ашёлари” модули ўқув режадаги “Рангтасвирида илғор тенденциялар ва ёндашувлар” модули мазмуни “Арт маркетинг”, “Шакл тасвири психологияси ва идрок қилиш назарияси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар: тасвирий санъатнинг графика йўналишлари, тасвирий, графика санъатда анъанавий ва замонавий ашёлар, турлари, бўёқлар, грунтлар, ёғлар, суюлтирувчилар, пигментлар, қоғоз тулари, папье маше, таркиби, ишлатиш усуллари, рангшунослик асослари, ахроматик, хроматик ранглар, ранг спектори, доиралари, рангнинг руҳиятга таъсири, гравюа турлари, ксилография, литография, офорт, босма усуллари тасвирий санъатда замонавийлик, композиция турлари, рангтасвири жанрларида композиция бадиийлиги ва таъсирчанлиги, тасвирий санъатда композиция турлари, тасвирий санъатда икки ўлчамлилик, графика композициясида тафаккур юритиш ва бадиий талқин эта олиш, композицияда ғоявийлик, тасвирий санъатда рамзийлик, рангтасвирида мавзу талқини, тасвирий санъатда янги композицион ғоялар устида ишлаш, ижодий тафаккур юритиш ва бадиий талқин этиш, ананавий ва замонавий ашёларни мақсадли қўллаг орқали узоқ йиллар давомида ўз сифатини сақлаб қоладиган рақобатбардош санъат асарларини ишлаш, ҳимоялаш, сақлаш ўз билим тажрибаларни жойларда ёшларга етқазишга доир касбий **компетенцияларига** эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Мустакил таълим
			Жами	Назарий	Амалий машгулот	
1.	Графика (ёзув ашёлари) тарихи.	2	2	2		
2.	Қоғоз тарихи, Самарқанд қоғози. Турлари, стандартлари, форматлари.	2	2	2		
3.	Графиканинг қуруқ ва суюқ ашёлари. Графит қалам, кўмир, сангина соус, пастель.	2	2		2	
4.	Пигментлар: табиий, суний. Боғловчилик: табиий, суний акварель, гуашь, темпера, акрил. Мўйқаламлар	2	2		2	
5.	Грунтлар; қоғоз, мато учун мойли бўёқлар, суюлтирувчилар. Миниатюра санъати: китоб, мураккаб, локли муқовалар.	2	2		2	
6	Графика турлари: гравюра; литография, кселография, офорт, линогравюра.	2	2		2	
7.	Мумтоз ва бугунги кун адабиёти вакилларининг асарига иллюстрация ишлаш. Моддий маданиятда график ашёларининг роли. Ашёлар классификацияси. Бадиий образнинг юзага келиши. Мотив. Рапорт. Замонавий рапортли композициялар.					2

8	Композиция қонунлари ва ашёлари. Дунё халқлари афсоналари. Мотив ва композиция ўртасидаги боғлиқликлар. Хаёлий образларни бадиий образларга айлантириш. Хаёлий образларни бадиий образларга айлантириш. Ашёвий композиция қуриш қонунлари. График дизайнда Қадимги Миср, Қадимги Юнонистон, Қадимги Византия Қадимги араб – мусурмон халқларини ифодаланиши. Модерн ва унинг график дизайндаги роли.						2
Жами:		16	4	8	4		

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Графика (ёзув ашёлари) тарихи.

Ёзув ашёлари тарихи; тош, сопол, ёғоч, металл, папирус, пергаментнинг инсония тарихидаги ўрни ҳамда уларнинг афзал ва камчилик томонлари. Тақдимот орқали ўтилади.

2-мавзу: Қоғоз тарихи, Самарқанд қоғози, турлари, стандартлари, форматлари.

Қадимги Хитой қоғози. Самарқанд қоғози тарихи. Қўқон қоғози. Араб қоғози. Қоғоз Европада. Бугунги кунда қоғоз турлари

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Графиканинг қуруқ ва суюқ ашёлари. Графит қалам, кўмир, сангина соус, пастель.

Ёғоч қобиқдаги қалам турлари. Кўмир ёки куйган ёғоч қаламчалари. Ластик (ўчиргич). Сувли бўёқлар

2-мавзу: Пигментлар: табиий, суний. Боғловчилар: табиий, суний акварель, гуашь, темпера, акрил. Мўйқаламлар

Акварель бўёғи таркибига қўйиладиган талаблар ва таркиби. Гуашь таркиби. Темпера ва унинг турлари. Акрил таркиби ва камчиликлари. Мўйқаламлар. Пигментлар. Боғловчи ёки елимлар

3-мавзу: Грунтлар; қоғоз, мато учун мойли бўёқлар, суюлтирувчилар. Миниатюра санъати: китоб, мураккаб, локли муковалар.

4-мавзу: Графика турлари: гравюра; литография, ксилография, офорт, линогравюра.

Графика турлари. Гравюра. Ксилография. Литография. Офорт тарихи, ишлаш усули

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Кўчма машғулот: Мумтоз ва бугунги кун адабиёти вакилларининг асарига иллюстрация ишлаш. Моддий маданиятда график ашёларининг роли. Ашёлар классификацияси. Бадиий образнинг юзага келиши. Мотив. Рапорт.

Замонавий рапортли композициялар.

2-Кўчма машғулот Композиция қонунлари ва ашёлари. Дунё халқлари афсоналари. Мотив ва композиция ўртасидаги боғлиқликлар. Хаёлий образларни бадиий образларга айлантириш. Хаёлий образларни бадиий образларга айлантириш. Ашёвий композиция қуриш қонунлари. График дизайнда Қадимги Миср, Қадимги Юнонистон, Қадимги Византия Қадимги араб – мусурмон халқларини ифодаланиши. Модерн ва унинг график дизайндаги роли.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Ақлий хужум” методи

Ақлий хужум (Брейстромнинг ақллар түзони)
амалий ёки илмий муаммолар ечиш гоясими
жамований юзага келтириш.

Ақлий хужум ва масалани ечиш боскичлари

1. Мустакил Фикрлант, ҳаёлингизга келган барча ғоя ва фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя, фикрларни ёзинг, агар улар тақорорланаёттап бўлса, маҳсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурух ғояси сифатида шакллантирилади.
5. Барча ёзилган ғоялар гурух муаммосини ечиш.
6. Гурухнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Ақлий хужум усули

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақорорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

“SWOT-таҳлил” методи

S – (strength)

- кучли томонлари

W – (weakness)

- заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity)

- имкониятлари

T – (threat)


- тўсиқлар

Намуна: Рассом ижодкорлар учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	График рассом ким ? Китобни бадий безатувчи	График рассом китобни кўп ўқувчи, матн воқеаларини тасвир орқали китобхонга етказувчи ижодкор.
W	Китоб безашда катта ютуқларга эришган мумтоз мусаввирлар ва бугунги кунимиздаги график рассомлар асарлари.	16 асрда Хирот, Табриз шахарларида ижод қилган К.Бехзод, 20 аср ўзбек графикаси асосчиси И.Икромов, Т. Муҳаммедов, Қ.Башаров, А.Ғуломов. А.Махкамов китоб безаш санъатига катта хисса қўшган ижокорлардир.
O	График рассомлар чизиклар, шакллар, ранг, безакдорлик, диалог воситалари ёрдамида бадий образли асар яратадиган инсонлар. (ички)	Улар китоб безашда ўзбек амалий санъати наъмуналаридан фойдаланиб шарқона безаш усулларини китоб графикасига олиб кирганлар.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Нашриёт буюртмалари, китоб безаш ишлари учун муаллифга мақбул хақ тизими ишлаб чиқилмаса, график рассомлар моддий, маънавий қўллаб қуватланмаса ижодий интилиш бўлмайди.


“Балиқ скелети”

Натюрморт композициясини “Балиқ скелети” чизмаси Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. 4



Мисол: “Рассом ижодкорлар” мавзусидаги матн.

Биламиз. Билишни истаймиз? Билиб олдик. (БББ)



Б,Б,Б

Биламиз	Билишни истаймиз	Билиб олдик	
1.График графиканинг йўналишларида килувчи инсон.	рассом турли ижод	1.Хар бир расм чизишни биладиган одамни рассом деб аташ мумкинми?	Академик талаблар асосида расм чизишни биладиган матн маъносини тасвирлай оладиган, ўз услугуга эга изланувчан, бетакрор композиция ишлашга қодир, ашёлардан унумли фойдалана оладиган бадий дидли инсонни рассом дейиш мумкин
2.Рассомлар воситалардан, шакллар, мавзууни тасвир баён эта инсонлар.	тасвирий чизиқлар воситасида орқали оладиган	2. График ёки миниатюра ишлайдиган рассом деб кимни айтиш мумкин	К. Беҳзод, Мир Сайид Али, И.Икромов, Т.Муҳаммедов, К. Башаров каби рассомлар ўзларидан ажойиб асарлар ҳамда кўплаб шогирдлар қолдиришди.
3.Рассомлар инсонларни маънавий- маърифий тарбияловчи шахсрдир.	асарида маънавий- эстетик	3.Рассом бўлиш учун нима қилиш керак?	Масад, меҳнат, ўрганиш, китоб ўқиши, устозлар асарларини таҳлил қилиш, ашёлардан яхши хабардорлик ва иждий фикрлаш, мақсаддан чекинмаслик, сабр тоқат...
4.Миниатюра, графикаси рассоми- ўкувчи, кенг кузатувчи изланувчи инсон	китоб бу кўп фикрловчи, тинмай	4.Миниатюра ишлаш бир китоб мавзусига бир неча рассомнинг мурожати бир бирини такрорламайдими?	Билимли, ижодий фикрловчи рассомлар хеч қачон айнан такрорланишга йўл кўймайдилар Ижоднинг охири йўқ
5.Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар.		5.Компьютернинг график дастурларидан фойдаланиб ижодий асар яратса бўладими?	К.Беҳзод, С.Муҳаммад, Микеланджело, Рембранд, З Ҳар бир ижодкор рассом бетакрор. Компьютерда мураккаб тузилишдаги сурат ишлаш енгил кечади, аммо суратлар сунийлик кўринишини саклаб қолади. сезги, ҳиссиётни бериш қийин

Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («саце» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига куйидагиларни қамраб олади: Ким? (Who), Қачон? (When), Қаерда? (Where), Нима учун? (Why), Қандай? Қанақа? (How), Нима-натижа? (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиши	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

“Инсерт” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмuni ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- “Тасвирий ва амалий санъат” бўйича янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, рангтасвир бўйича ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“-” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар профессор - ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Брифинг” методи.

“Брифинг” - (инг. Briefing - қисқа) графика йўналиши бўйича бирор – бир масала ёки саволнинг мухокамасига бағишлиланган қисқа пресс - конференция.

Ўтказиш босқичлари:



Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бирор бир асарни чизищдан олдин бир шакл сифатида олдин чизилган биор асар масалан: “Шоҳнома” китобига ишланган миниатюра ва бугунги кун рассомларининг суратларини тингловчилар билан бирга мухокама қилинади. Тингловчиларга китоб мавзуларидан бирига сурат ишлаш мустақил вазифа қилиб берилади. Груҳда улар томонидан чизилган композицияларнинг тақдимоти ўтказилади.

Портфолио” методи.

“Портфолио” – (итал. Portfolio - портфель, ингл. хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат килувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг саралangan ўқув - методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, ҳар бир тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳӣ
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битиравчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ.

Педагогик фаолият	Ўқитувчи раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.
----------------------	--------------------------------------	---

Ҳар бир тингловчи курс мобайнида ўзининг шахсий портфолиосини киритиб боради.

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: Графика (ёзув ашёлари) тарихи.

Режа:

- 1.1. Тош, лой, сопол, металл, ёғочнинг ўзига хос хусусиятлари
- 1.2. Папирус, пергамен тарихи ва тайёрлаш усуллари.

Таянч иборалар: *Шумер, Акада, Вавилион, Кутуб минораси, сув тухваси, силлиқ, арzon...*

1.1. Тош, лой, сопол, металл, ёғочнинг ўзига хос хусусиятлари

Инсоният ўз тарихий ривожланиш жараёнида маълумотларни ёзув, тасвир шаклида сақлаш, жамлаш, алмашиш мақсадида турли ашёлардан фойдаланди. Улар: тош, сопол, ёғоч, суяқ, металл, папирус, пергамент, мато ва қогоз эди. Бу ашёларнинг ҳар бири маълум бир даврда, мамлакатда ёзиш, тасвир ишлаш учун хизмат қилиб вақти билан бошқасига ўз ўрнини бўшатиб берган.

ТОШ

1. Тоидаги битик – қадимда хукумдорлар ўз давлатининг тарихи, қонунлари, хукмдорлик давридаги ютуқлари, эришган ғалабалари ҳақидаги битикларда абадий сақлаш, авлодларга етказиш мақсадида тошдан фойдаланишган. Бунга тўрт минг йилдан бери сақланиб келинаётган Миср эхромлари, қадимги Вавилон деворидаги битиклар мисол бўла олади.

Афзаллиги - вақт, об-ҳаво ўзгаришлари таъсир қилмайди, ёзилган битиклар асрлар давомида сақланиши мумкин.

Камчилиги - жуда қаттиқ бўлгани учун узоқ вақт давом этувчи мураккаб меҳнатни талаб қилади. Оғирлиги сабаб уни бир жойдан иккинчи жойга олиб юришда жўнатишда қийинчилик туғдиради.



1. Қадимги Миср ёзувлари. 2. Самарқанд. Амир Темур мақбараси. Қабр тошидаги битиклар.

Бизнинг юртимизда ҳам тош сатхидаги битилган ёзувларни учратиш мумкин бўлиб улар асосан қабр тошларини мисол қилиш мумкин. Масалан: Самарқанд шаҳридаги Амир Темур мақбараси ичидаги мармар қабр тошида битилган намуналар бунга мисол бўла олади.

МЕТАЛЛ

Металлдаги ёзувлар – метал сатхидаги тасвир, ёзув, битикларни ёзиш мумкин бўлиб, узоқ вақт ва оғир меҳнатни талаб қилиши бир жойдан иккинчи жойга олиб юриш ва жўнатишда қийинчилик туғдиради.

Афзаллиги- сақланиш муддати асрлар давомида. Қадимги Миср, Ҳиндистон, Италия, Грецияда қонун битиклари темир, бронза сатхига ёзилган. Юртимизда металл сатхидаги битик ёзиш қадимдан мавжуд бўлиб, халқ амалий санъати намуналарида безак қўринишида қўплаб учрайди. Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган маъдандан ясалган турли экспонатлар, ҳарбий қуроллар, заргарлик тақинчоқлари, рўзгор буюмлари сиртида ёзув наъмуналарини кўришимиз мумкин. Бундай наъмуналарнинг энг йириги 1397 йили Амир Темур буюруғи билан бронзадан қўйилган диаметри 245 см қозон

бўлиб унинг унинг ташқи тамонида маҳорат билан битилган хаттотлик санъатининг юқори даражали наъмунасидаги ёзувларни кўриш мумкин.



1. 1397 йил Дубулға. Бухоро. XVIII аср.
2. Амир Темур бронзадан қўйдирган қозон.
3. Лаган. Самарқанд. XII аср.

СОПОЛ

Лой-Сопол сатхидаги битикларидан ташкил топган кутубхона ҳозирги Ироқ, Эрон давлати ҳудудида бўлган қадимги Шумер, Аккада давлатлари, Оссурия шохи Ашшурбанипал саройидан топилган. Қадимги котиблар ёғочдан тайёрланган ёзув белгиларни ёпишқоқ лой ғишт сатхига ботириб олиш орқали битикларни ёзишган. Сўнгра бу лой ғиштлар иссиқ қуёш нурлари остида қуритилган. Муҳим ва узок сақланиши лозим бўлган маълумотлар ёзилган лой ғиштларни юқори даражадаги оловда пишириб, сополга айлантирганлар.




Сополдаги битиклар. Шумер. эр.ав. 1800 й.

Бизнинг юртимизда ҳам сополдаги ёзув наъмуналарини сопол буюмлари лаган, кўза ва турли рўзғор буюмларида кўп учратишимиз мумкин. Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Хива, Тошкент каби тарихий шаҳарларимиздаги қадимги меъморий биноларнинг пештоқ, гумбаз ва

деворларида наққошлиқ санъати билан уйғунлашиб ажойиб безакдорлик касб қилган сополдаги хат наъмуналарини кўриш мумкин. Хат битилган безакли сополларни тайёрлаш учун маҳсус тупроқдан лой тайёрлаб узоқ вақт ишлов берилгандан кейин текисланган лой устида нақш, безак ёзувлари керакли шаклда ёзилгач офтобда қуритилиб иссиқлиги юқори даражали маҳсус хумдонда пиширилган. Саполга айланган бўлаклар маҳсус кулол бўёклари билан қопланиб, иккинчи маротаба хумдонда пишириш орқали санъат асарига айлантирилган.

Афзаллиги-хом ашёси арzon, сополга айлангач, сақланиши муддати асрлар давомида.

Камчилиги-маҳсус хумдонда узоқ вақт юқори даражада қиздиришини талаб қиласади, синии хусусияти юқори.




Сопол лагандаги ёзувлар 10 аср Самарканд. Юртимиздаги меъморий бино сиртидаги ёзувлар.

ЁГОЧ

Ёзочдаги ёзувлар – қоғоз кашф қилингунга қадар қадимги Хитой, Корея, Япония давлатларида ёзув ашёси сифатида кенг фойдаланилган. Хитойликлар бамбук таёқчаларини арқон билан ўзаро боғлаб устида сиёҳ билан маълумотлар ёзиб бамбук “китоб”лари тайёрлаганлар.

Қадимда Ўзбекистон худудида яшаган халқлар ҳам ёғоч тахтасидан ёзув ашёси сифатида фойдаланишган. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида намойиш этилган II –III асрларга тегишли ёғоч тахтача ва тирнаб ёзиш қалами бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган Сурхондарё вилоятидан топилган VII асрга оид дарахт

пўстлоғига битилган битикларни кўрсатиш мумкин. Ёғочдаги ёзув наъмуналарини юртимиз меъмоий обидалари эшикларида кўплаб учратиш мумкин.



1. Бамбук ёгочидаги битиклар.Хитой.
2. Эшик сатхидаги ёзув намунаси. Ўзбекистон.
3. Пўстлоқдаги ёзувлар.
4. VII аср. Сурхондарё Хоразм ёзуви ва ийл ҳисоби акс этган ёгоч таҳтача II –III асрлар. Тупроққалъа.

1.2. Папирус, пергамен тарихи ва тайёрлаш усуллари.

Папирус – “сув совфаси”, “Сувдан ҳосил бўлган” деган маънони билдиради. *Афзалик томони* – хом ашёси арzon, енгил, табиий тоза махсулот.*Камчилик томони* – Мисрдан бошқа давлатларда кам учрайди. Тайёрланган папирус қоғозининг фақат бир томонидан фойдаланилади, толалари ўзига намни тортиш, чириш хусусиятига эга. Папирус ўсимлиги Мисрдаги Нил дарёсининг қуйилиш қисми, кўл бўйи, ботқоқ жойларда ўсади. Ташқи кўриниши қамишсимон бўлиб узунлиги 5 метр танасининг йўғонлиги 5-6 сантиметргачан бўлади.

Танасининг учбурчак шаклда бўлиши уни бошқа қамишсимон ўсимликлардан кескин ажратиб турди.

Гуллаш вақтида юқори учи ярим доира, елпигич шаклига киради. Илдизи бодом мазасини бериб, меваси дон кўринишида жигарранг бўлади. Махаллий халқ папирус ўсимлигини юмшоқ қисмини таом тайёрлашда, пўстлоғидан қайик, пойафзал, арқон, палос, тўқишида ишлатганлар. Мисрликлар уч минг йилдан ортиқроқ вақт давомида бу ўсимликдан “папирус қоғоз”ни тайёрлаб ёзув ашёси сифатида фойдаланиш қаторида уни қўшни Пергам, Греция, Рим каби бошқа давлатларга экспорт қилганлар.

Мисрнинг табиати иссиқ, сахро майдонлари катта худудни эгаллаганлиги сабаб ўсимлик дунёси жуда камбағаллиги маълум. Шунинг учун Миср амалий ва тасвирий санъатида папирус тасвири асосий ўринни эгаллаган. Унинг ўзига ҳос тузилиши миллий нақш элементларин асосини ташкил этади.



Қадимги Миср санъатида папирус тасвири.

Папирус қоғозини тайёрлаш усули: Дарё бўйидан ўриб олинган пояси керакли ўлчамда бўлинади. Учбурчак шаклидаги танасининг яшил устки пўстлоғи пичоқ билан шилиниб юмшоқ ўзак қисми ажратиб олингач, узунасига кесилади. Камарсифат кўринишдаги узун, юпқа бўлаклар олдин ёғоч болға билан уриб, кейин устидан ўқлов билан текисланиб суви сиқиб чиқарилади. Текис тоштахта устида ингичка толалар вертикал ва горизонтал йўналишда кетма-кет териб керакли ўлчамга эришилгач оғир юк ёки исканжа орасида бир ҳафта давомида ушланади. Бу вақт орасида поя тасмалари ўзининг ширали суви таъсирида ёпишиб яхлит варақ кўринишига келади.


Бундай варақларни кетма-кет ёпишириб турли узунликдаги папирус ўрами хосил қилинган. Папирус ўрами бир неча метр узунликда бўлиши мумкин бўлиб бугунги кунгачан етиб келган энг катта “Жама” номли папирус ўрамининг эни – 51 см, узунлиги – 40 метрдан ортиқ ўлчамни ташкил қиласди.



Папирус қозозини тайёрлаш босқичлари



юқори бўлган



жойда чириш хусусиятига эга. Шу сабаб

қадимги Мисрда муҳим аҳамиятга эга ҳужжатлар ёғоч қутиларда сақланган. Британия музейидаги Хоррис №1 ва Ну папируслари худди шундай ёғоч қутилар ичидан топилган. Кейинчалик арzonроқ қоғознинг пайдо бўлиши папируснинг камайиб кетиши ва ишлов бериш жараёнининг унутилишига сабаб бўлди. Бугунги кунда папирусни тайёрлаш усули тикланган бўлиб, ундан факат таклифномалар, сайёхлар учун эсдалик ёзувлари, сувенирлар тайёрланади. Папирус номи бугунги кунда ҳам кўп халқлар тилида сақланиб қолган бўлиб, қоғозни папирус деб атасади. Жумладан; немислар “папир”, французлар “папье”, инглизлар “пэйпер”, рус тилидаги “папка” сўзи ҳам папирус атамасидан хосил бўлган. Бугунги кунда папирус тарихини ўрганувчи

Папирус иссиқ

ҳаво шароитида
яхши сақлансада
намгарчилиги

“Папирология” фани мавжуд. Европанинг Вена шаҳрида Миср папиусининг уч минг йиллик тарихга таълуқли маълумотлар жамланган ”Papyrusammlung” музейи ташкил қилинган. Музейни ташкил топишида Вена университетининг Шарқ тарихи фанлари профессори Иосиф Карабацекнинг хизматлари катта бўлиб у герцог Райнер томонидан Австрия Миллий кутубхонасига тақдим қилган турли ўлчамдаги 100 000 дона атрофидаги, ҳар-хил маълуотлар ёзилган коллекциясини тартибга келтирилган эди.



Вена шаҳридаги Папирус музейининг биноси ва ички залининг тасвири.

ПЕРГАМЕНТ

Пергамент – Эрамиздан аввалги II–асрда Миср коҳинлари Александрия кутубхонасига рақиб бўлган қўшни Пергам шохлиги кутубхонасининг ривожини тўхтатиш мақсадида папиусни мамлакатдан олиб чиқиши маън қилишди. Ўз кутубхонасининг ривожини тўхташини истамаган Пергам шохи тезликда янги ёзув ашёсини топишга буйруқ беради. Кўплаб ўтказилган тажриба ва синовлар натижасида кичик жониворлар терисидан тайёрланган ёзув ашёси “Пергамент” ихтиро қилинди.


Афзаллиги – ранги оқиши саргимтир бўлиб, сатҳида ёзув яхши кўринади, пишиқ ва эгилувчан. Ундан тайёрланган варақнинг олд ва орқа томонида ёзии мумкин, сиёҳда ёзилган матнни ювиб ташлаб, қайта ёзии имконияти мавжуд.

Камчилиги – китоб тайёрлаш учун кўп жонивор териси зарур бўлади.

Терини ёғизлантириш, ёғоч рамкага тортиб қуритиш, кесиб тенг бўлакларга бўлиш, ўзаро бириктириш, матинни ёзиш анча вакт ва меҳнатни

талаб қиласы. Шунинг учун бундай китобга фақат жуда бой зодагонларгина буюртма бера оларди. Ундан тайёрланган китоблар аввал папирусга ўхшаш ўрам ҳолда бўлиб, ўқишида инсоннинг икки қўли банд бўларди. Ўқиш давомида уни аввал бир томонга айлантириб, агар матнни бошига қайтиш керак бўлса кейин яна иккинчи томонга қайта ўралиши ўқувчига анча ноқулайлик туғдиради. Шу сабабли кейинчалик улар варақ шаклида кесиб олинган ва китоб шаклига келтирилиб муқоваланган.

Бугунги кунда Ўзбекистон мусулмонлар диний идорасида сакланаётган 681 йили ёзилган “Усмон Қуръони” пергамент (кийик териси) сатхида ёзилган. Унинг хажми 68x53x22 см ни ташкил қилиб 353 варакдан иборат. 1990 йиллар бошида Тошкентлик мусаввирлар ишлов берилган терида босма нақшлар билан безатилган жилд, панно кўринишидаги миниатюра асарларини ишлашда бир қатор синовлар олиб боришиди. Бугунги кунда тери ашёсидан ижодий, совғабоп миниатюра суратларини ишлашда кенг фойдалинилмоқда.



Пергамент ўрамининг кўриниши



“Усмон Қуръони”. Ўзбекистон.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Ёзув ашёси сифатида тошнинг афзал ва камчиликлари нимада?
2. Ёзув ашёси сифатида папируснинг афзал ва камчиликлари нимада?
3. Ёзув ашёси сифатида пергаментнинг афзал ва камчиликлари нимада?
4. Пергаментнинг ихтиро қилинишига қандай воқеа сабаб бўлди?
5. Папирус музейи қаерда жойлашган?

6. Папирус сўзининг маъносини биласизми?
7. Юртимизда сополдаги битикларни қаерда кўриш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сабиров М М “Ашёшунослик ва рангшунослик” Тошкент 2009 йил Чўлпон
2. Сабиров М. Хаджиметов Б.“Мутахассислик бўйича материалшунослик” Тошкент Info Cahital Group 2018

2-мавзу. Қоғоз тарихи, Самарқанд қоғози, турлари, стандартлари, форматлари.

- 2.1. Қадимги Хитой қоғози
- 2.2. Самарқанд қоғози тарихи
- 2.3. Қўқон қоғози
- 2.4. Араб қоғози
- 2.5. Қоғоз Европада
- 2.6. Бугунги кунда қоғоз турлари

Қоғознинг афзаллиги – юпқа, енгил, эгилувчан, пишиқ, юзаси текис, икки тарафидан фойдаланилади, ёзиш ва чизиш учун қулай.

Қоғознинг камчилиги – сув шимиши, тез ёниши.

Тарихи – инсоният ўз тарихида яратган буюк кашфиётлардан бири қоғоз бўлиб, у бугунги кунгачан асосий ёзув ашёси сифатида ўз ўрнини сақлаб келмоқда. Ота боболаримиз қачондан бери қоғоздан фойдаланишади деган саволнинг жавоби мураккаб бўлиб унинг бир неча талқини бор. Матбуотда кенг тарқалган биринчи талқин бўйича у қадимги Хитойда эрамизнинг 105-йилида Хо императорининг маслаҳатчиси билимдон Цай Лун томонидан кашф қилинди.

2.1. Қадимги Хитой қоғози

«Охириги Ханъ тарихи»да ёзилишича қоғозни Цай Лун ихтиро қилгани битилган. Қадимги хитойликлар китоб ва хужжатларни ёзишда бамбук таёқчалари ва шойи матосидан фойдаланишади. Бизга янги ёзув ашёси ихтиро қилиб берсанг, шойи қиммат, бамбук оғир иккиси ҳам ноқулай деб мурожат қилишади. Цай Лун дарахт пўстлғи, кўкнори пояси,(конопля) эски

латта ва балиқчилар тўри сингари ашёларни толаларга ажратиб янги Чжи ашёсини қофозни ихтиро қиласди. Шундан бери инсоният қофоздан турли мақсадларда фойдаланиб келади. Олдинги қофозлар ҳақида Хитойнинг шимолий-ғарбий қисмларидағи “ўлик” шахарларга уюштирилган хитой ва европаликларнинг XX аср бошларида уюштирилган экспедициялар натижасида топилган қофоз бўлакларидан маълумот олиш мумкин.

1 Харо-Хото 1942йил хитойлик ва шведларнинг С.Гедин экспедицияси Алашан (Шимолий-ғарбий Хитой) сахросида лойдан қурилган қоровуллар минораси остидан шу кунгачан маълум бўлган энг қадимги қофоз парчаларини топди. Археологик белгиларга кўра бу қофоз парчалари 98йилга тегишли.

Бу Цай Луннинг қофозни ихтиро қилган даврга яқин.

2. Луандага уюштирилган С.Гедин (1899й.) ва А.Стей (1906-1908й) экспедициялари III асрга тегишли қофоз бўлакларини топади.

3. Шимоли ғарбий Хитойнинг Ганьсу вилоятида Могао ёки «Минг будда» ғорларида буддавийлик талимоти ўқувчиларининг яшаш ўқиш қарагохи бўлиб кейинчалик маҳаллий одамлар ўз яшаш жойларига айлантирган эди. 1900 йили кириш йўли ёпиб қўйилган ғор маҳаллий одамлар томонидан очилганда минглаб қўлёзма ўрам ва рақлари яширилган кутубхонада борлиги маълум бўлди. Тез оради бу ерга хитой, сўғд, қадимги турк, иврид тилларида қофозда битилган қўлёзма ва қадимги суратларни ўрганиш бўйича Европанинг турли мамлакатларидан илмий экспедициялар тўпланди. Бугунги кунда Европада Дунъхуаннинг будда таълимотига оид 20 000га яқин турли қўлёзмалар Европа музей ва коллекцияларида сақланмоқда. Янги Сун (960-1279й.) сулоласи даврида қофоз тайёрлаш қайта тикланди. Сунликлар даври қофозлари тури, ўлчамларининг ўхшашлиги ягона стардатда бўлганлигини кўрсатади. Дунхуан қофозлари хитойнинг барча қофоз турларини қамраб ололмайди. Ёзув манбааларида кўрсатилишича Император саройида юқори сифати ва чиройи билан ажралиб турувчи қофоздан фойдаланилган. Хитой

манбаларида учқун чиқарувчи, сув ўтқазмайдиган “хушбўй, асалли, қофоз” ва “юпқа, нозик қизил қофозлар” ҳақида ҳам хабар берилади. Кейинги даврларда қўлда тайёрланган хитой қофози турларининг икки –шуван чжи ва као чжи турларини кўрииш мумкин.

Кўлда тайёрланган хитой қофозининг турлари.

Номи	Шуван чжи	Као чжи
Кўлланиши	<i>Каллиграфия, безакдор хат ёзиши учун</i>	<i>Идишилар учун, ўраш, гигиена мақсадида, деворни безаш ва кўмиши маросимларида ёқии учун</i>
Ашёси	<i>Ипак ва бамбук</i>	<i>Шоли, буғдоӣ сомони ва конопля</i>

Хитойлик тадқиқотчилар қофозининг қадимги турларини тафтиш қилиб аниқларича унинг хом ашёси сифатида кўкнори (*лот.Cannabis sativa*) поясидан, кейинчалик тут пўстлоғи (*Brussonetta papyrifera*) тайёрланган экан. Бамбуқдан (*лот.Bambusa*) хом ашё сифатида анча кейин VIII асрларда фойдаланишган.

Қадимги хитой қофозларининг шакли ва турлари.

Хитойда Дунхуан қофоз намуналари турли туман бўлган. Vacр қофози турли кўринишларда бўлиб оч жигарранг, сирти силлиқ мустахкамловчи таркиб билан қопланган. Vacр охири VII аср бошларида тайёрланган қофозлар сарғимтири рангга бўялган баъзиларининг юзаси нотекис бўлса бошқалари силлиқ яхши шалдироқ овоз чиқарувчи бўлган. Шу даврларда бўялмаганлари ҳам учрайди. VII- IX асрларда ўзаро урушлар таъсирида бўлган Тан (618-907ий) давлати даврида юқори сифатли қофозлар_кам учрайди.

Хитой қоғозини тайёрлаш жараёни:

Хом ашёни майдалаш, толаларга ажратиш, сузиб олиш, зичлаб сувини чиқариш, қуритиш.босқичларини қамраб олади.

Майдалаш: ўғирда амалга оширилган.“Тин-Гун-Кай-Ву” кўрсатилишича XVIIаср майдалаш бир болғали, пичноқли усулда амалга оширилган. Қоғоз намуналарининг Морфологик тахлили кўрсатишича технологик жараёнида қўшимча тўлдирувчи қўшилган бўлиб, сифатида гипс, мел ва каолин (оқ тупроқ) қўшилган..

Коғоз мустаҳкамлигини ошириш мақсадида увада таркибига елим қўшилган. Елим қоғоз мустаҳкамлигини таминлаш билан бирга ҳашоратлардан ҳимоя қилган. Тахминан Vасрдан бошлаб қоғоз таркибиغا ўсимлик шираси қўшилиши қоғозга оч сарғимтир ранг берган.

Коғозни элакда сузиб олиш: Хитойда қоғозни сузиб олишнинг икки усулини ихтиро қилинган бўлиб, улардан бугунги қунгачан фойдаланилади.

Биринчи усул- Қадимги қоғоз намуналарининг баъзилари ёруғга қаратилганда элак_излари кўринмайди. Варақни сузиб оловчи элак тешиклари жуда майда бўлган. Варақни сузиб оловчи олдинги элаклар тузилиши содда бўлиб, бамбук ёғочидан тайёрланган. Мато тортилган тўртбурчак шаклдаги элак ичига қоғознинг толаллардан иборат суюқ кўриниши қўйилиб қўл кафти билан ёйиб текисланган. Бу усулининг камчилиги асос мато туклари варақни ажратиб олишни қийинлаштиргани учун қоғоз қуригач олинган. Бу ўз навбатида кўп вақт кутишни талаб қиласди.

Иккинчи усул- Қадимги хитой қоғозининг иккинчи тури ёруғга қаратилганда параллел жойлашган ингичка бамбук таёқчаларининг излари аниқ кўринади. Бамбук танасининг юзаси силлиқ, эгилувчанлиги сабаб унинг юзасидан нам варақни ажратиб олиш қийинчилик түғдирмайди. Бундай элак суюқ қоғоз ичига тўлиқ ботириб сўнг кўтариб олинади.


Зичлаш- нам варақлар тўплами устига юзаси теккис тахта қўйиб, устидан тошлилар жойланиб юк миқдори ошириб борилган.

Күритиии- Суви чиқарылған варақтар офтобда қизиган тош ёки тахта юзасига ёйиб ёпишириши орқали бажарылған.

Куриган варақтарга ишлов берилған II-III асрларга тегишили “Ши-Мин” ёзмаларида силлиқ ва қайроқ тош юзаси сингари сирпанувчан” ва “кенг, теккис тахта“ га ўхашаш силлиқланған қоғоз ҳақида гапирилғанда крахмал билан ишлов берилған қоғоз назарда тутилған.

Хитойда қоғоз ишлаб чиқаришнинг ўсиши күпласб сохаларга таъсир ўтқазди. Анъянавий ўрам китоблар ўрнини кодекслар эгаллади. Китоб тайёрлашда ксилография босиш усули қўланила бошланди.Хитойда биринчи бўлиб қоғоздан пуллар, санитария қоғози, ўйин қарталари тайёрланди.

Қоғоз тайёрлаш биринчилардан бўлиб будавийлик дини тарқалган Корея, Япония ерларига тарқалди. Хитойликлар қоғоз тайёрлаш сирини узоқ вақт сир саклашга бўлган уринишларига қарамай у қўшни Корея ва Япония давлатларига тарқалди.



1 сурат. Қадимги Хитойда қоғоз тайёрлаш. Хитойлик рассом чизган сурат.

2 сурат. Қадимда қоғоздан тайёрланған Хитой пуллари

2.2. Самарқанд қоғози тарихи

Марказий Осий ерларида қоғоз тайёрлаш тарихи ҳақида турли маълумотлар мавжуд бўлиб улардан кенг тарқалгани 751 йилда Араб Хитой кўшинлари орасида бўлиб ўтган Талас жанги билан боғланган.

Тарихга “Талас” жанги номи билан кирган урушда араблар ғолиб бўладилар. Асирга тушган хитойлик асиirlар орасида қоғоз тайёрлаш сирини билганлари ўз ҳаётларини сақлаб қолиниши эвазига қоғоз тайёрлаш усулини арабларга ўргатишни таклиф қиладилар. Шундай қилиб биринчи қоғоз тайёрлаш устахоналари араблар ва хитойлик хунарманд асиirlар томонидан Самарқандда ташкил қилинди.

Лекин баъзи олимларнинг фикрича, Ўрта Осиё худудида, хусусан Самарқандда қоғоз ишлаб чиқариш Араб халифалигига қадар ҳам мавжуд бўлган. 1931 йили Муғтепа тоғидан топтилган Самарқанд ҳукмдорларига оид хужатлар ҳамда Тупрокқалъада кўлга киритилган Хоразм архив материаллари Суғдиёна, Хоразм ва Бактриядаги қоғозга ёзилган маҳаллий кўлёзмаларнинг араблар босқинидан аввалги даврларга оидлигини асослайди.¹

Х асрга келиб юқори сифатли, яхши грунтланган ҳар икки томонида сиёҳ билан ёзиш имконияти бўлган Самарқанд қоғози қўплаб мамлакатларга экспорт қилина бошланди.

Араб тарихчиси Ибн Холдун (809 й/1406 й) қоғоз тайёрлаш 8 асрда Арманистон, Озарбайжон Касбий бўйи ерлари генерал-губернатори Хурносон Фазлбек Яҳё X-асрга тегишли Форс ёзма маълумотларига қараганда Самарқанд қоғози қўшни давлартларга олиб чиқилган 11 асрга келиб Форс шоирлари Самарқанд қоғози ишлаб чиқарувчи корхоналарини ўз шеърларида куйлашган. Чингизхон қўшини босқини қоғоз тайёрлашга қандай тасир этганлиги ҳақида фикир билдириш қийин бўлсада 1264 йилда Самарқандда куронни ёд билувчи бир киши бир ой давомида қоғозда битилган матнлар ёрдамида марзуа ўқиган. Соҳибқирон А. Темур даврида ҳам қоғоз ишлаб

¹ Кациржак: История Узбекистан.—Т.:”ФАН”, 1974.С.50.

чиқариш ҳунарманчиликнинг олдинги ўринда бўлган. Марказий Осиё ва араб ерларида тайёрланган қоғозлар ишлаб чиқарилган жойига қараб: “Самарқандий”, “Боғдодий”, “Исфахоний”, “Бухорий”, “Хитойи”, “Кашмирий” ва бошқа номлар билан юритилган.

Самарқанда қоғоз тайёрлаш бошлангандан кейин қисқа вақит орасида Шарқ мамлакатларида машҳурликка эришди. Марказий Осиёни ўрганган машхур Шарқшунос олим, саёҳатчи, этнограф А.Вамберли 1863йилда Самарқан қоғози ҳақида шундай ёзади”Бухоро ва Самарқандда тайёрланган қоғозлар Туркистон ва унга қўшни ерларда катта шуҳратга эга.” Кейинчалик В.Л. Вяткин “Самарқанд қоғози сифатли ишлаб чиқарилиши билан машҳур бўлиб бошқа кўплаб мамлакатларга чиқарилган. Минг йиллар давомида Самарқандлик қоғозгарлар дунёдаги энг яҳши қоғозлардан бирини тайёрлашга эришдилар деб ёзади. Бу қоғоз пишиқ, юзаси силлиқ ва сиёҳни оз шимиши билан машҳур бўлди.

Самарқанд қоғози турлари: “Султон қоғози. Ранги оқ, юпқа юмшоқ. Нимканоп” шойи чиқиндилари ва каноп аралашмасидан тайёрланган, ранги жигарранг. 18 асрда Самарқанд ва унинг атрофида 42 та қоғоз тайёрлаш устахоналари мавжуд бўлган.

Самарқанд қоғози бир неча турда бўлган.

Биринчиси шойидан тайёрланган, зич, юқори сифатли, сирти силлиқ, ранги сарғимтирир ушлаганда ёқимли бўлиб “Ипак қоғоз” деб аталган.

Иккиинчи тури ярим ипак қоғоз бўлиб, ипак ва каноп аралашмасидан тайёрланган бўлиб қалин, пухта силлиқлашга мойил бўлиб “Нимкатони “деб аталган.

Учинчи тури пахтадан тайёрланган. Бу уч турдаги қоғозлар ёруқга қаратилганда элак излари кўринмаган. Самарқанд қоғозининг машҳурларидан бири уста “Мир Иброҳим қоғози” жуда машҳур бўлган. Бу қоғоз бир тангалик ўлчамдаги халқа шаклида оқ “сув белгиси” билан тайёрланган вабошқа қоғозлардан ажралиб турган.

Самарқанд қоғозига берилган таърифлар

Самарқанд қоғозининг таърифи хусусида Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1482-1530) ўзининг “Бобурнома” китобида шундай ёзади: ”**Оlamda яхши қоғоз Самарқаддин чиқар, Жувози қоғозлар суви тамом Конигилдан келадур. Конигил Сиёҳоб ёқасидадурким, бу қора сувни Обираҳмат дерлар**”

Самарқанд қоғознинг сифати ҳақида олим Абу Мансур Саолибий ўз асарларидан бирида:- «Самарқандга хос нарсалардан бири, унинг қоғози бўлиб, бу қоғоз Миср қоғозидан устун туради. У жуда чиройли, нозик, нафис ва ёзиш учун қулайдир», деб ёзган.

Султон Али Машҳадий 1514 йилда ёзилган трактатида турли қоғозлар ҳақида шундай ёзади: Хитой қоғозидан яхши қоғоз йўқдир. Самарқанд қоғози қандай ажойиб! Агар сен ақилли одам бўлсанг ундан воз кечма. Унда ёзув текис ва чиройли ёзилади...


Марказий Осиёни ўрганган машҳур Шарқшунос олим, саёҳатчи, этнограф А.Вамберли 1863 йилда Самарқан қоғози ҳақида шундай ёзади: ”Бухоро ва Самарқандда тайёрланган қоғозлар Туркистон ва унга қўшни ерларда катта шухратга эга.” Кейинчалик В.Л. Вяткин “Самарқанд қоғози сифатли ишлаб чиқарилиши билан машҳур бўлиб бошқа кўплаб мамлакатларга чиқарилган. Минг йиллар давомида Самарқандлик қоғозгарлар дунёдаги энг яхши қоғозлардан бирини тайёрлашга эришдилар деб ёзади. Бу қоғоз пишиқ, юзаси силлиқ ва сиёҳни оз шимиши билан машҳур бўлди.



18 асрда юқори сифтили Самарқанд қоғози аштархонидлар даврида Абдулазизхон (1645-1680) даврида қоғозлар тайёрланди. Бизнинг давргачан етиб келган қўллэзмалар бу малумотларни тасдиқлайди. Бу қоғозла қалин оч сарғимтири рангдабўлиб, яхши силлиқланган қўлга олганда жуда

ёкимли бўлган. 16 асрдаги ёзилган Вакуф хужатлари ҳам буни тасдиқлайди. Рус археологи ёзишича” Сиёб ариғи пастидаунга қўйилувчи Оби Машхад шахзода Абдулла кўприги бор унинг юқориси Сиёб ариғи ариғи бўйида кўплаб қоғоз тегирмонлари ва қоғоз тайёрлаш хом ашёлари учун бинолар бор. Хужатларда ёзилишича тегирмон механизмлари ёғоч, тош ва металдан бинолар синч (каркас) усулида қурилган. Самарқанддан бошқа қоғоз зиёлилар, ўкув марказлари жойлашган шахарлардан Бухоро ва Ҳиротда ривож топди. Қоғоз ишлаб чиқариш Бухорода қачондан бошлангани ҳақида аниқ фикрни билдириш қийин бўлсада 1252-1253 йилда бошланган лигини тахмин қилинади. Бухоро яқинидаги каналлар номи Жувози қоғоз, XVIII аср бошларида Самарқанд атрофида 42 та қоғоз тайёрлаш устахонаси мавжуд бўлган Самарқанд қоғози тайёрлаш бошлангандан кейин қисқа вақит орасида Шарқ мамлакатларида машҳурликка эришди. Марказий Осиёни ўрганган м ашхур Шарқшунос олим , саёҳатчи, этнограф А.Вамберли 1863 йилда Самарқан қоғози ҳақида шундай ёзади”Бухоро ва Самарқандда тайёрланган қоғозлар Туркистон ва унга қўшни ерларда катта шухратга эга” Кейинчалик В.Л. Вяткин “Самарқанд сифатлиги қоғози ишлаб чиқариши билан машҳур бўлиб у кўплаб бошқа мамлакатларга чиқарилган Минг йиллар давомида Самарқандлик қоғозгарлар дунёдаги энг яҳши қоғозни тайёрлашга эршдилар”

Самарқанд қоғози турлари: “Султон қоғози. Ранги оқ, юпқа юмшоқ “Шойи қоғози” сирти силлиқ, ранги оч сарғимтири. “Мир Иброҳим қоғози сув белгиси бор бўлган”” Нимканоп” шойи чиқиндилари ва каном аралашмасидан тайёрланган, ранги жигарранг. Соҳибқирон А.Темур даврида ҳам қоғоз ишлаб чиқариш хунарманчиликнинг олдинги ўринда бўлган. 18 асрда Самарқанд ва унинг атрофида 42 та қоғоз тайёрлаш устахоналари мавжуд бўлган.



Қоғоз тайёрлаш жараёни тасвирланган XVI аср миниатюраси

Рус олими Профессор А.А.Семенов XV аср иккинчи ярмида битилган кўлёзма китобларни ўрганиб чиқиб, қоғозларнинг юқори сифатли 2 хили Самарқанд ва Бухорода ишлаб чиқарилганлигини аниқлаган. Унинг биринчи тури асосан ипак ашёсидан ишланган бўлиб, ўзининг зичлиги, тозалиги ва силлиқлиги билан ажралиб турган. Иккинчи тури яримипак ва кўкнори толасидан тайёрланган.

Шарқшунос, этнограф, саёхатчи А.Вамбери Ўрта Осиё қоғозлари ҳақида шундай ёзади - “Самарқанд, Бухорода тайёрланган қоғоз бутун Туркистон ва қўшни давлатларда катта шуҳратга эга”. XVI асрнинг машхур хаттоти Султон Али Машҳадий Самарқанд қоғози ҳақида “...Самарқанд қоғози қандай ажойиб! Ақилли киши ундан фойдаланади. Унда хат текис ва чиройли ёзилади” деб айтган эди.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг Самарқанд қоғозининг шуҳратини тиклаш мақсадида Самарқанднинг Конигил манзилида Зариф Мухторов оиласи, Бухорода миниатюра рассоми ва Тошкентда К. Бехзод

номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчилари машхур Самарқанд қоғозини тайёрлаш усулини тиклаш йўлида кўп меҳнат қилмоқдалар.

2.3. Кўқон қоғози

Кўқон қоғози пахта толаларидан тайёрланган яхши силлиқланиши сифатли кўринишига мустаҳкамлигига қарамай бир оз дағал, юпқалари ёруғга тутилганида тўр излари аниқ кўринади. Қалин турлари бир оз қўпол бўлишига қарамай юқори сифатли бўлган. Бу қоғознинг тайёрланиш усули ҳақида оз бўлсада маълумотлар сақланиб қолган. Кўқон қоғози асосан эски латта маҳсулотларини ишқор ва охак ёрдамида бир ойдан кўпроқ вақт давомида чиритиш сув тегирмонида майдалаш орқали тайёрланган. Бу ҳақда рус шарқшунос академиги А.А Семёнов ўзининг 1963 йилдаг чоп қилинган О СРЕДНЕ АЗИАТСКОЙ ЬУМАГЕ (Сорта среднеазиатской бумаги, ее производство и способ окраски) номли мақоласида баён қилган.

19 асрларда Кўқон ва Тошкент шахарларида қоғоз тайёрланган Сибир казаги Максимов ёзишича қоғоз Кўқон ва Тошкентда тайёрланган. Тошкетлик савдогар Аҳмадга тегишли қоғоз корхонасида йигирмага яқин ишчилар ишлашган.

1918 йилда Бухоро амири давлати Кўқондан ёзув қоғоз тайёрловчи икки усталар Ёдгор ва Убайдани таклиф қилишади. Гурбун деган жойда қоғоз ишловчи устахона ташкил қилинади. Уларга шогирд сфатида қириқ нафар эркак берилади. Бу устахона 1923 йилларга қадар ишлаб у ерда тайёрланган қоғоздан амирлик кейинчалик Бухоро Республикасининг қоғоз пулларини тайёрлашда ишлатилади

2.4. Араб қоғози

Араб ерларида қоғоз тайёрлаш Халифа Хорун ал Рашид (776-809 йй.) даврида араб ерларида устахоналари кўпайиб қоғоз тайёрлаш юқори чўққига кўтарилди. Боғдод қоғоз тайёрлашнинг йирик марказига айланди. Боғдодда курилган биричи қоғоз ишлаш устахонаси **Аль-Фазль ибн Яхъя** томонидан 794 й(178хижрий) ташкил қилинган.

IX асрға келиб Шимолий Африка араблари ҳам қоғоз тайёрлашни бошлашди. X -асрда қоғоз ёзув ашёси сифатида папирус ўрнини тўлиқ эгаллади. XI- асрда араб халифалигининг қоғоз тайёрлаш марказларидан бири сифатида Фең (бугунги Марокаш ерлари)да аср охирида 400га яқин устахона ишлади.

2.5. Қоғоз Европада

Қоғоз тайёрлаш Европа мамлакатларига X асрда арабларнинг Испанияни босиб олганларидан кейин тарқалди. Хож юриши даврида қоғоз тайёрлаш Испания орқали қўшни Европа давлатлари Италия, Венгрия, Голандия Франция, Германия, ерларига тарқалди.

Европада қоғоз ишлаб чиқаришга катта туртки бўлган воқеа XV асрда И. Гутенберг томонидан китоб босиш механик станогининг кашф қилиниши бўлди. Қоғоз тайёрлаш бўйича янги технологиялар кашф қилина бошланди. XVII аср охирида Голландияда толаларни майдаловчи пичноқлар ўрнатилган, айланиб турувчи темир вали (роллар) қурилма ихтиро қилиниши ишлаб чиқаришни бир неча баробарга оширди. 1799 йилда француз Луи Робер механизациялашган тўхтовсиз ишлайдиган элакли станокни яратиб қоғоз ишлаб чиқаришни янги даражага кўтарди. 1806 йилда ака-ука Г.ва С Фурдриньелар “Робер” патентини сотиб олиб Англияда унинг станогини такомиллаштиришди. Бугунги кунда қоғоз замонавий станогларда узлуксиз равишда юқори сифатда ишлаб чиқарилади.

Хозирги вақтда бутун дунёда қоғоз ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида дарахт толаларидан ажратиб олинадиган цеплюлозадан фойдаланилади. Цеплюлозанинг табиатдаги энг тоза ҳолда кўриниши пахта чигитидаги узунлиги бир сантиметр атрофидаги оқ толалардир. Қоғоз Рус ерларида анча кеч XIII асрда Франция орқали кириб келди.

Рус ерларида илк қоғоз тайёрлаш шох Иван Грозний даврида Москва шахри яқинида биринчи қоғоз тегирмони қурилганидан кейин бошланди. Икинчи тегирмон Украина ерларида 17 асрда қурилди. Пётр 1 даврида қоғоз тайёрлашга катта этибор берилиб Петербург вилоятида 1716 й. Дудергоф

фабрикаси қурилади.. 1720 йилда шох буюруғига асосан армия ва денгичилар эски кийим ва кема елкани,арқонларини махсус ерларга топширишлари керак едилар. Рус халқи учун қоғознинг арzon ашёси бўлган эски латта солиғи жорий қилинади,Четдан келтириладиган қоғоз солиғи оширилади. Натижада қоғоз фабрикалар сони кескин кўпайиб 18 асрга келиб Россияда олтмишта қоғоз тайёрлаш фабрикалари фаолият олиб боради.

2.6. Бугунги кунда қоғоз турлари

Баъзи маълумотларга қараганда, бугунги кунда дунёда 600 тадан ортиқ қоғоз турлари мавжуд. Қоғознинг энг кўп ишлаб чиқариладиган турлари қўйидагилар:

Канцелярия қоғозлари – ёзув учун;

Ватман (яrim ватман) қоғози – тасвир ишлаш учун қалин ва мустаҳкам;

Таршон- сувли бўёқларда расм ишлаш учун.

Мелованная– ялтироқ, сифати юқори, пишиқ қоғоз. Журнал, каталог, буклет каби ёрқин рангли реклама босма нашри учун ишлатилади.

Калька ([фр. calque](#)) – шаффоф қоғоз, тасвирдан нусха олиш учун.

Нусха олиши(копирка) қоғози – юпқа қоғоз, бир томонига махсус бўёқ қопланган бўлиб, ёзув ва тасвир нусхасини қолдириш учун чиқарилади.

Ўрам қоғози- савдода махсулотни ўраш учун чиқарилади.

Газета қоғози- матбуот учун.

Картон қоғози- товар кутиларини тайёрлаш учун.

Салфетка- хўжалик қоғози,озодалик учун ишлатилади.

Таршон қоғози - сўз маъноси ғадир–будир, нотекисликни билдиради. Унинг таркиби-юз фоиз целлюлозадан иборат бўлиб, сувли бўёқ турларида сурат ишлаш учун ишлаб чиқарилади.

Қоғоз форматлари

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) да қоғоз формати уч турдаги **A, B, C** - сериялардан иборат. Бугунги кунда асосий икки: халқаро **A** ва Шимолий Америка давлатларининг **B** стандартлари мавжуд. Халқаро **A** стандарти Германиянинг DIN 467 стандарти асосида 1975 йилда қабул

қилинган. А стандарти ҳақида түлиқ маълумот олсак унинг катта формати **A0**(0,841x1,189) бир квадрат метр ташкил қилади, A0 форматининг тенг иккига бувланиши A1 форматини ҳосил қилади. Демак ҳар бир қоғоз формати ўзидан олдинги ўлчамнинг тенгярмини ташкил қилади.

А стандарти		В стандарти	
номи	формат ўлчами мм	номи	формат ўлчами мм
A0	841x1189	B 0	1000x1414
A1	594x841	B1	707x1000
A2	420x594	B2	500x707
A3	297x420	B3	353x500
A4	210x297	B4	250x353
A5	148x210	B5	176x250
A6	105x148	B6	125x176
A7	74x105	B7	88x125
A8	52x74	B8	62x88
A9	37x52	B9	44x62
A10	26x37	B10	31x44


A0, A1 қоғози – лойиха чизмалари ва плакатлар

A2, A3 қоғози –лойиха чизмалари, диаграмма, катта ўлчамли жадваллар.

A4 қоғози – хат, журнал, каталог, офис қоғози, принтер ва нусха олиш

A5 қоғози – қайднома қоғози, блокнот, табрик открытиялари, реклама

A6 қоғози– почта открытиялари, карточкилар учун ишлаб чиқарилади.



A0- стандартт қоғозининг форматларга бўлиниш схемаси

Ватман

Ватман қоғози (англ. *Whatman paper*) — Англияда 1750 йилларда Жеймс Ватман қоғоз фабрикасида тайёрланган.

Ж.Ватман ўз фабрикасида-қоғозда симтўр изи қолмайдиган янги ишлаб чиқариш турини ихтиро қилди ва бу усулни *wove paper* — матоли қоғоз деб номлайди. Бугунги кунда **A0** ўлчамдаги қоғозни Ватман қоғози деб аташга кўнишиб қолганмиз аслида бу ном қоғоз турини билдиради.

Юқори сифатли - ранги оқ, толаси зич, сирти қаттиқ, ишқаланишга чидамли бўлиб турли график ашёлар: графит қалам турлари, сиёҳ, тушъ, сувли бўёқларда, рангтасвир, плакат, лойиха чизмаларини чизишга учун чиқарилади.

Мавзу юзасидан саволлар

1. Қоғоз формати деганда нимани тушунасиз?
2. Қоғознинг 0 (ноль) формати асосида қандай ўлчам қабул қилинган?
3. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) да қоғознинг қайси стандарти, нима асосида қабул қилинган?
4. Қоғознинг халқаро А стандарти қачон ва нима асосида қабул қилинган ?
5. Қоғознинг бугунги Кунда қандай турларини биласиз?
6. Калка қоғози нима учун ишлатилади?
7. Қоғоз тарифини айтинг.
8. Талас жанги қачон бўлган ва унинг қоғозга қандай алоқаси бор?
9. Қоғоз Европа мамлакатларидан қай бирида аввал ривожланди?
10. Россияда қоғоз тайёрлаш қачон бошланди?
11. Целлюлоза нима ва утоза ҳолда қаерда учрайди?
12. Ж.Ватман қоғоз тайёрлашда қандай янгилик ихтироочиси?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

- 1.А.П.Балаченкова история бумаги и бумажного производства Санкт Петербург 2011й.
- 2.А.А.Семёнов О Среднеазиатской бумаге.Из Академии наук Таджикиской сср Душанбе1963й.
- 3.Сабиров М.Хаджиметов Б.Мутахассислик бўйича материалшунослик Тошкент Info Cahital Group 2018й.
- 4.Иброҳим Йўлдошев Ўзбек китобат санъати ва терминологияси Тошкент “Turon Iqbol” 2018й

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Графиканинг қуруқ ва суюқ ашёлари. Графит қалам, кўмир, сангина соус, пастель.

- 1.1. Ёғоч қобиқдаги қалам турлари
- 1.2. Кўмир ёки куйган ёғоч қаламчалари
- 1.3. Ластик (ўчирғич)
- 1.4. Сувли бўёқлар

Қалам – ёғоч қобиқли ҳар қандай шароитда ўз вазифасини бажарадиган энг қулай ёзув ашёси.

Тарихи: қалам кашф қилунга қадар XIII асрда учига кумуш, қўрғошин сим, пайванд қилинган металл таёқчалардан фойдаланилганлар. XIV асрга келиб Италияда қора тупроқ, суяқ куюндиси ва ўсимлик елими аралашмасидан “итальян қалами” тайёрланиб, тасвир ишлаш ва ёзища фойдаланилади.Итальян қаламида ишланган суратларга немис рассоми Альберхт Дюрер чизган суратларни мисол келтириш мумкин.

Графит қаламининг пайдо бўлишига XVI асрда Англияning Камберленд вилоятида бўлиб ўтган кучли бўрон натижасида катта дараҳтларнинг ағдарилиши сабаб бўлди. Маҳаллий чўпонлар ағдарилган дараҳтлар остида олдин ўzlари кўрмаган қора тошларни кўриб, уни кўмир тури бўлса керак деб уни ёқишга уринишади. Ёнмагандан кейин қўрғошин бўлса керак деб, уни эритиб ўқ ясашга ҳаракат қилишади. Ҳар икки уриниш натижа бермагач, бу қора тошлар бошқа сатхга сурилганда ўзидан яхши из қолдиргани сабабли ўз кўйларини белгилашда ишлатадилар. Кўл билан ушлаганда ўзидан қора доғ қолдиргани сабабли ундан хат ёзища фойдаланишнинг имкони бўлмайди. Шахарлик рассомлар бу тош таёқчани

икки ёғоч орасига қўйиб, устидан мато ўраб сурат чизишда фойдалана бошлайдилар.

1683-йил битикларида келтирилишича, Германияда графит қаламларини ишлаб чиқариш Нюрнберг шахри яқинидаги Штайн деган жойда йўлга қўйилади. Графит, олтингугурт ва елим аралашмасидан тайёрланган қалам ўзагининг сифати яхши бўлмаганлиги сабабли арzon нархларда сотиларди.

1758 йилда Штайнга кўчиб келган дурадгор Каспар Фабер қалам ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, машхур “Faber-Castelle” фирмасига асос солади.

1789 йилга келиб олим **Карл Вильгельм Шееле** графит углероддан ташкил топганлигини исботлаб, унга **графит** (юонча γράφω – “ёзаман”) номини беради.

Графит қалам Ишлаб чиқариш Германиянинг Нюрнберг шахрида бошанганди. 1790 йилда Веналик уста Йозеф Хардмут лой ва графит кукуни қоришимасидан тайёрланган тигллардан бирини тасодифан синдириб қўяди. Синган тигил парчаси қоғоз сиртида аниқ чизик қолдиришини кўргач лой ва графитнинг турли фоизли аралашмалари устида синовлар ўтқаза бошлади. Синовлар натижасида у лой ва графитнинг энг мақбул нисбатларини анқлаб ўз фабрикасида қобиқсиз қалам таёқчаларини тайёрлай бошлади. Қобиқсиз таёқчаларнинг камчилик томони ушлашга ноқулай бўлиб, бармоқларни кир қилиши ва онсон синувчанлигига эди. Шу йилнинг ўзида Йозеф Хардмут бугуги кунгача фаолият юргазиб келаётган қалам ишлаб чиқарувчи машхур “Koh-i-Noor Hardtmuth” корхонасини ташкил қилди.

Хардмутга алоқаси бўлмаган холда, 1795йил француз олими, ихтирочи **Никола Жак Конте** ҳам қатор тажрибалар ўтказиб, графит қалам таёқчаларини ёғоч ичига жойлаштириб биз билган қаламни таёrlади.

ҚАЛАМ ВА ЛАСТИК

1.1. Ёғоч қобиқдаги қалам турлари.

1. Графит қалами. 2. Рангли қалам. 3. Акварель қаламлари. пастел, сангина қаламлари.

Графит қалам юмшоқлик ва қаттиқлик даражалари ҳар ҳил бўлиб, улар турли ҳарф ва рақам билан белгиланади. Россияда ишлаб чиқарилувчи қаламлар Т– (твёрдый) қаттиқ, М –(мягкий) юмшоқ.

Бундан ташқари, В – қоралиги (инглиз тилидаги blackness)

Н – қаттиқ (инглизча hardness) ва НВ – ўртача чиқарилади.

F – ингичка (ингл. fine point) – НВ ва Н оралиғидаги қалам.




9H 8H 7H 6H 5H 4H 3H 2H H F НВ В 2B 3B 4B 5B 6B 7B 8B 9B

энг қаттиқ →

ўртача →

энг юмшоқ



қалинликда чизик қолдириши.

Қалам ясаш учун графит, каолин, гипс, куйган сүяк, қора қурум ва оз микдорда елим керак бўлади. Яхши қалам ашёси бир квадрат сантиметрда 16 000 тешикчалари бўлган элакдан ўtkазилади.

Хом ашёлар аралашмасидан ҳосил қилинган графит қаламчалар 100°C иссиқликда 5-6 соат қуритилиб, $150\text{--}250^{\circ}\text{C}$ да 2-3 соат қиздирилади. Тайёр грфит таёқчалари синмаслиги, бармоқларни қорайтирмаслиги учун ёғоч қобиқларга жойлаштирилади. Қалам қобиғи -толалари бир томонга қараб йўналтирилган, пичоқ билан йўнишга қулай Кедр дарахти тахтасидан тайёрланади.

Қуруқ дарахт тахтасидан олтита қалам жойлашадиган ўлчамда тахтачалар тайёрланади. Тахтача юзасида узун чуқурчалар ўйилиб уларга

елим сурилади ва графит таёқчаси жойлаб устидан иккинчи тахта ёпиштирилади. Ўткир аррали станокда тахта қаламларга ажратиб кесилади. Қаламлар сирти рангли бўёқда бўялиб ишлаб чиқариш корхонаси номи, қалам юмшоқлигини билдирувчи рақамлар ёзилади. *Қалам тайёрланиши босқичи*

Бугунги кунда ёғоч қобиқли қалам турлари кенгайиб бормоқда. Уларга рангли, акварель ва пастель қаламларини мисол қилиш мумкин.

Сангина

Темир окисига бой бўлган, қизғиш, жигарранг, қоплаш хусусияти юқори бўлган Италия, Франция, Россия мамлакатларининг рангли тупроғидан тайёрланувчи жигарранг тусдаги қобиқсиз қалам. Қоғоз, картон, фанер, мато сатхларида ишлашга қулай. Ишлашда енгил, бўяш ва қоплаш хусусиятлари кучли бўлиб, унинг таркиби каолин, мел (бўр), темир зангидан иборат. Бугунги кунда суний пигментли қалам кўринишида ёғоч қобиқли турлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Қаламга бўлган талаблар: пичоқ ёрдамида енгил очилиши, мўрт бўлмаслиги (енгил босим билан чизганда синмаслиги), қалам билан чизилган чизгининг енгил ўчиши, қоғозни тирнамаслиги, бир хил босимда бир хил

Сангинаға қўйиладиган талаблар; қофоз сиртини тирнамаслиги, қоплаш хусусиятининг юқори ва рангининг бир ҳил бўлиши керак. Ватман сингари қофозлар сиртида тасвир чизишга мўлжалланган. Ластикда ўчиришда суркалиш хусусиятига эга бўлиб, бутунлай ўчиши қийин бўлгани учун хатосиз ишлашни талаб қиласди. Рассомлар сангинани қора қалам ва бўр синтезида кўп ишлатишади.

Пастель

Пастель – лот.«Pasta» –«хамир» маъносини билдиради. Пастель турли ранглардаги қофозга ўралган, қобиқсиз бўлган қаламчалар.

Авваллари рассомлар ундан рангтасвир ишларининг рангли эскизларини ишлашда фойдаланишган бўлсаларда, пастел ёрдамида мустақил якунланган суратлар ҳам ишлашган. Бу ашёнинг ўзига хос томони сатхни яхши қоплаб, духобасифат товланади. Пастел тайёрлаш учун жуда майин, ёруққа чидами, қоплаш хусусияти юқори бўлган пигментлар танлаб олинади. Қофоз сиртига ишқаланганда уваланиб кетмаслиги учун таркибиға оз миқдорда трагант елими қўшилади. Икки хом ашё ва сув аралашмасида хамир ҳолатига келтирилгач, қолип ёки темир трубалар ичидан ўтказиб думалоқ шакл бериб қуритилади. Пастель қаламчалари рангларининг оч ёки тўклиги таркибидаги оқ пигментнинг миқдорига боғлиқ. Турлари: 1.Куруқ пастель, 2.Мойли пастель, 3. Воскли пастель. Куруқ пастель икки ҳил бўлади; юмшоқ ва қаттиқ. Қаттиқ пастель таркиби куруқ пигмент ва кўп миқдорда елим иштирок этиб кам уваланади, юмшоқ пастель таркиби асосан куруқ пигмент ва жуда оз миқдорда трагант елими қўшилиб синувчан ва уваланиш хусусиятига эга бўлади, Мойли пастель таркиби; куруқ пигмент ва ўсимлик мойидан иборат бўлиб, унинг изларини ластикда ўчиришнинг деярли имкони йўқ ёки қийин кечади. Воскли пастель таркиби; куруқ пигмент ва восқдан ёки парафиндан иборат бўлади. Пастельда ишлаш учун сирти ғадир-будир бўлган рангли қофозлардан фойдаланилади. Пастельда чизилган суратлар махсус ёки соч локи сепиб қотириллади ва сақлаш учун ойна остига олинади. Бугунги кунда **пастельнинг ёғоч қобиқли турлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда**



1. Қобиқсиз пастел қаламчалари

2. Ёғоч қобиқли пастел қаламлари

Соус

Соус –шакли сангина, пастелга ўхшаш қобиқсиз, қоплаш ва бўяш ҳусусияти кучли бўлган ашё. Уни қуруқ ҳолда ва сув билан аралаштириб ҳам ишлатиш мумкин. Таркиби: қора қурум, каолин.

1.2. Кўмир ёки куйган ёғоч қаламчалари

Кўмир қаламларини энг қадимги чизиш материали дейиш мумкин. Қоплаш ҳусусияти юқори, ботирмасдан енгил ҳаракат билан қолдирган излари юмшоқ матонинг енгил ҳаракати билан ўчади. Қофоз, картон, мато, фанер, девор сатхларида бирламчи чизгиларни чизишида, эскиз ишлашда кенг фойдаланилади. Шакли дараҳт новдачаларини эслатувчи бу ашё тол ва қайин дараҳтларининг новдаларини куйдириб хосил қилинади. Тайёрлаш учун темир цилиндр идишга дараҳт новдачалари зич қилиб солиниб, қум билан идиш ичи тўлдирилади. Идиш қопқоғи зич ёпилиб, лой билан сувалади. Темир идиш олов ёрдамида қиздирилади. Махсулотнинг тайёр бўлганини қопқоқ устидаги маҳсус кичик тешикчадан чиқадиган тутуннинг тўхташидан билинади. Куйган новда қаламчаларининг сифати – сатҳда енгил ҳаракатлар ёрдамида чизиши, қофоз сатхини тирнамаслиги, қўлдан тушиб кетганда синмаслиги, у билан чизилган чизгилар сатҳ устидан юмшоқ латта ёрдамида енгил ҳаракат билан ўчиши билан белгиланади. Кўмир қаламчалардаги ишларнинг суркалиш, тўқилиш ҳусусияти юқори бўлгани учун унда чизилган сурат қотиришни талаб қиласди. XV аср Италия рассомлари қофоз сиртини сувда эритилган дараҳт елими билан қоплаб, куритиб, кейин унинг устида кўмир қаламда чизишган. Сурат яқунлангач қофоз орқа томони иссиқ буғга тутиб турилган, қофоз устидаги елим эриб кўмир зарачалари қофозга ёпишиб қолган. Бугунги кунда Италиялик рассомлар тажрибасини такрорлаш ёки маҳсус фиксатив лок ёки соч турмаклашда ишлатиладиган локлардан фойдаланиш мумкин. Кўмир қаламчаларининг бошқа, пресланган тури ҳам учрайди. У куйган ёғоч зарачаларига дараҳт елими қўшиб тайёрланади. Прессланган кўмир қаламларининг қоплаш, уваланиш ҳусусияти юқори бўлиши билан бирга уларда тирнаш ҳусусиятий бўлмайди.

1.3. ЛАСТИК (ЎЧИРҒИЧ)

Ластик бу – графит қалам изини ўчириш ашёси. Таркиби – табиий ёки сунъий каучук.

Каучук – тропик дараҳтлар танаси тирналганда сизиб чиқувчи сутга ўхшаш суюқликнинг қуритилгани. Ундан юқори даражадаги эгилувчанлик,

чўзилувчанлик хусусиятига эга бўлган резина маҳсулотлари тайёрланади. Шу сабабдан бўлса керак, инглизлар ластикни резина деб аташади.

Ластик- ўзбек тилида ўчиригич деб аталиб, рассом учун зарур бўлган ашёлардан бири ҳисобланиади. Ундан қаламда чизилган ортиқча изларни ўчиришда фойдаланамиз. Ластик кашф қилингунга қадар қалам изини ўчиришда нон маҳсулотининг юмшоқ қисмидан фойдаланилган.

Тарихи: Христофор Колумб бошчилигидаги европаликлар илк бор жанубий Америкага келганларида, маҳаллий аҳоли қўлида сакрайдиган каучук тўпларини қўриб ҳайрон қолган эдилар. Маҳаллий аҳоли *гевея* деб аталувчи дaraohт танасини пичоқ билан тирнаб, пўстлоғи орасидан сизиб чиқадиган сутга ўхшаш суюқликни идишларга йиғиб олишарди. Туб аҳоли бу дaraohтни “йиғловчи дaraohт”, ажратган суюқлигини дaraohтнинг қўз ёши “**Каа-о-чу**” деб аташар ва ундан турли идиш-товоқларни тайёрлашда, ўз баданларига ҳар хил тақинчоқларни ёпиштиришда фойдаланишарди.



Дaraohт танасини тирнаш.



Табиий каучук.

Дaraohт ажратган суюқлик латексдан Британиялик олим, табиатшунос, ихтирочи, файласуф, роҳиб, тарихда кимёгар сифатида ном қолдирган, кислород ва углекислота (карбонат кислота)ни аниқлаган Жозеф Пристли 1770 йил 15 апрелда ўз кундалигида қалам изларини ўчириш учун янги материал топганини ёзиб қолдирган. (*Бугунги кунда ҳам 15 апрель санаси норасмий равишда “Халқаро ластик куни” деб аталади.*)

Ж.Пристли бу буюмни “резина” (rubber) деб атаган. Тоза ҳолдаги каучук тез бузилиб, ёмон ҳид тарқатар, иссиқ ҳавода юмшаб, совуқда қотиб қоларди.

Ластикни қўп ҳолларда, айниқса Англияда *резинка* деб аташди. Бу атама қўп халқлар тилида ластикнинг иккинчи номи сифатида тарқалган.

Бугунги кунда ластиклар табиий, синтетик ёки хом каучукдан тайёрланади.

Ластик маркиби – каучук, олтингугурт, мой, абразивлар.

Ластикка қўйиладиган талаблар – қофоз, картон, фанер, ёғоч сатхидаги қалам ва сиёҳ изларини енгил ўчириш.

Ластикнинг юмшоқлиги, майда бўлакларга бўлиниши ўчириш ишларини тез бажаришда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу унинг таркибиға қўшилган олтингугурт миқдорига ҳам боғлиқ.

Ластикнинг ишқаланиш, ўчириш хусусиятини ошириш учун таркибиға оз миқдорда табиий ўсимлик ёки жонивор мойи ҳам қўшилади.

Ластикнинг бир неча турлари бўлиб улар қуидагилар:

1. Графит қалам изини ўчириш учун – юмшоқ тури.
2. Рангли қалам изини ўчириш учун – қаттиқ тури.
3. Сиёҳ изини ўчириш учун – абразивлар қўшилган тури.

Ластик графит, рангли қалам ва сиёҳ изларини қандай ўчиради?

Графит қалам изини ўчириш вақтида қофозга ишқаланган юмшоқ ластикдан майда бўлаклар ажралиб чиқади. Ёпишқоқлик хусусиятига эга майда бўлаклар графит қалам изига ёпишиб, уни қофоз сиртидан ажратиб(кўчириб) олади. Шу сабаб унинг ишқаланган жойи доим янгиланиб туради. Ишлатиш вақтида шаклининг кичрайиб бориши ластик сифатининг юқори эканлигини билдиради.

Рангли қалам таркибида турли мой ва воск иштирок этиб, қолдирган излари қофозга сингиш хусусиятига эга бўлади. Уларни ўчириш учун қаттиқ ластиклардан фойдаланилади.

Сиёҳ сингиш хусусиятига эга бўлиб, қофоз ичига чуқур кириб боради. Шу сабабли сиёҳнинг изини қофоз сиртидан механик тарзда шилиб олиб ўчирилади. Бунинг учун ластик таркибиға абразивлар қўшилади. Бундай ластиклардан эҳтиёткорлик билан фойдаланишга тўғри келади. Акс ҳолда қофоз сатхи едирилиш натижасида тешилиши мумкин.

Барча каучукли ластиклар узоқ вақт ишлатилмаганда, очиқ ҳавода ёки куёшли жойда сақланса, қотиб қаттиқлашади.

Бугунги кунда ластикнинг қуйидаги турлари ишлаб чиқарилади:

- Табиий ластик.
- Сунъий каучукдан тайёрланган ластик.
- Пластик- синтетик ластиклар.

Сунъий ластиклар, баъзида пластик ластиклар деб аталади. Ундан фойдаланилганда кенг ва узун бўлаклар ажралиб чиқади. Шунинг учун баъзи турларининг таркибиға юмшоқлик, эгилувчанлик хусусиятини ошириш учун юмшатувчи моддалар қўшилади. Пластик ластиклар табиийларига нисбатан бузилмасдан узоқ вақт хизмат қиласи.

Бугунги кунда ластиклар турли шаклларда, ҳар хил ғилофларда, масалан, қалам ёки ручкага кийдириладиган ва ҳ.к. кўринишларда ишлаб чиқарилади.

1858 йил америкалик Хайман Липман ластикни қаламнинг иккинчи томонига ўрнатиб фойдаланувчига қулайлик туғдирди.

1.4. СУВЛИ БҮЁҚЛАР

Сувли бўёқ турларига кирувчи акварель, гуашь бўёғи ҳақида маълумот олишдан мақсадимиз, уларнинг рассомлар орасида машхурлиги, тарихи, таркиби, ўзига хослиги, ишланадиган сатхлар, ишлаш усуллари, унда ижод қилган тарихий ва Ўзбекистонлик рассомлар, йирик мусаввирлар, акварел бўёғида ишланган суратларни сақлаш йўллари, гуашь бўёғининг ўзига хослиги, таркиби ҳақидаги билимларга эга бўлишdir.

Мавзу юзасидан саволлар:

- 1 Гафит қалам таркиби нимадан иборат?
2. Сангина қандай тайёрланади?
- 3.Пастел сўзининг маъноси нима?
- 4.Кўмир қалам қандан тайёрланади?
5. Ластик кашфиётчиси ким?
6. Ласик таркиби нимадан иборат?
7. Графит қалам муаллифи ким?
8. Қалам тайёрлашда қандай дараҳт таҳтаси ишлатилади?
9. Графит қаламнинг қаттиқ ва юмшоқлиги нимага боғлиқ?

2-амалий машғулот: Пигментлар: табиий, суний. Боғловчилар: табиий, суний акварель, гуашь, темпера, акрил. Мўйқаламлар.

- 2.1. Акварель бўёғи таркибига қўйиладиган талаблар ва таркиби
- 2.2. Гуашь таркиби
- 2.3. Темпера ва унинг турлари
- 2.4. Акрил таркиби ва камчиликлари
- 2.5. Мўйқаламлар
- 2.6. Пигментлар
- 2.7. Боғловчи ёки елимлар

2.1. АКВАРЕЛЬ БЎЁҒИ ТАРКИБИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР ВА ТАРКИБИ

АКВАРЕЛЬ -италянча-Acquerello “рангли сув” демакдир.

Тарихи: Акварель қоғоз сатҳида ишлашга мослашган бўёқ бўлгани учун унинг тарихи II асрда Хитойда қоғознинг ихтиро қилиниши билан

боғлиқ. XII—XIII арларда қоғоз Европа давлатларидан Испания, Италия давлатларида тарқала бошлади. Европа давлатларида акварелда ишлаш бошқа бүёкларга нисбатан анча кейин урф бўлди. Бу бўёқда илк ишлаган Ренессанс даври рассомлари Альберт Дюрер, Антонис Ван Дейк, Клод Лоррен ва Джованни Кастильонеларни айтиш мумкин. Шунга қарамай XVIII—XIXасрларгача бўёқ сифатида унга жиддий эътибор берилмади



1. Альбрехт Дюрер, *Куён* 1502, акварель
2. Дж.Тёрнер, *Фирвальдсит кўли*, 1802, акварель,

Италиялик Пайо де Монтабер 1829 йилда ёзган “Рангтасвир ҳақида тўлиқ трактат”ида акварель бўёғида ишланган ишлар санъат асари сифатида дикқатга арзимайди деб тарифлайди.

Акварелдан турли илмий, харбий экспедицияларда географик жой хариталари, тарихий обидалар, фанда янги кашф қилинган жонивор, хашорат, ўсимликлар тасвиirlарини ишлашда кўланилган. Бўёқнинг ихчамлиги, суюлтирувчиси сув бўлиб унинг хар жойда топилиши, ишлаш усулининг соддалиги, тез қуриши билан қулайлик туғдирарди. XVIII аср ўрталарида Уильям Гилпиннинг нашр қилинган кундаликларида Англиянинг чекка қисмидаги ғаройиб табиат тасвиirlари муалифнинг акварелда ўзи ишлаган иллюстрациялари билан нашр қилиниши, санъат ишқибозлари орасида бўёқка нисбатан қизиқиш уйғотди. XVIII асрдан XIX асрга ўтиш даврида Джозеф Тёрнер, Пол Сэндби, Томас Гёртин каби рассомларнинг ижодий ҳаракатлари туфайли акварелда ишланган ишлар инглизларнинг севимли санъат турига айланди. Англиянинг туманини ҳавосини тасвиirlашда бўёқ рангларнинг нам қоғоз сатхидаги ўзаро чегарасиз уйғун киришииб кетиши билан бошқа бўёкларга нисбатан устунликка эга бўла бошлади. Нам қоғоз сиртида сувли ишлаш усули “Инглиз усули” деб ном ҳам олди. 1804йилга келиб Лондонда **акварелчилар** жамияти тузилди. XIXаср ўрталарига келиб Уильям Трост Ричардс, Томас Моран, Томас Икинс ва Уинслоу Хомер каби рассомлар ишлари туфайли акварель Америка қўшма штатларида ҳам кенг омма дикқатини тортди.

Францияда акварель рангтасвирининг машҳур бўлиши рассомлар Пол Деларош, Эжен Делакруа, Анри Жозеф Арпинье ва сатирик тасвирлар устаси Оноре Домъелар номи билан боғлиқ. XIX- аср охирида Францияда Поль Синьянк, Поль Сезанн, Америкада Морис Прендергаст, Джон Сингер Сарджент, Василий Кандинский, Эмиль Нольде, Эгон Шиле, Пауль Клее ва Рауль Дюфидарлар кўплаб асарларини бу бўёқда ишлаб унинг имкониятлари кенглигини кўрсатишиди. XIX-асрнинг йирик рассомларидан келиб чиқиши Россиялик, ижодий ҳаёти Италия билан боғлиқ, кўплаб ажойиб портрет ва композиция хомакиларини акварелда ишлаган Карл Брюловнинг асарларини эсламай ўтиш мумкин эмас. Унинг мўйқаламига мансуб замондошларининг қиёфалари ишланган суратлари бу бўёқнинг ажойиб хусусиятлари ва имкониятларининг бетакрорлигини кўрсатади.



Карл Брюловнинг акварелда ишлаган суратлари.

Акварель таркиби

- 1.Рангли пигментлар
- 2.Боғловчи - Гуммиаробик. Декстрин.
- 3.Юмшатувчи- Глицерин, левелуза ҳолидаги асал. Желчъ.
- 4.Химояловчи- Феноль

Акварель тайёрлаш учун пигментлар жуда майдаги бўлиши керак. Рангли қукунлар қанчалик майин бўлса ранг тозалиги шунчалик юқори бўлади. Қоғоз сатхи бўялганда пигмент зарачалари рангли сув холатида бўлиши керак. Шунинг учун акварель учун тайёрланган пигментлар бир кв.см 10 000 тешикчали элаклардан ўтказилади.

Қоғоз юзасида бўёқнинг юқмаслиги, узоқ вақт сақланиши учун сифатли акварель тайёрлашда гуммиарабикдан фойдаланилади. Сифати пастроқ бўлган идишсиз, ғиштча қўринишидаги акварель бўёқлари боғловчиси сифатида

декстриндан фойдаланилади. Акварель ишлаб чиқаришда унинг таркибий кисми вақт синови асосида ўзгариб турган.

Масалан:- илгари бўёқ тайёрлашда боғловчи сифатида шакар, асал, глицерин, кўп қўшилар эди. Кейин шу нарса аниқландиди, бу такида бўёқ тўлиқ қуримай, намни ўзига тортиш хусусияти эга бўлиб расим ишланган қоғозлар альбомларда сақланганда бошқа вараққа ёшишиб қолиш ҳолатлари кўп қузатилган. Акварель рангларининг боғловчиси гуммиарабик елими деб айтиш тўғри бўлсада, баъзи пигментларга бошқа боғловчи қўшиб тайёрланади. Изумруд яшили таркибида бўр кислотаси, стронцион сариғи, кўрғошин сариғи таркибида хром кислотаси борлиги сабаб бу ранглар гуммиарабик елими билан қўшилганда бўёқ тез қотиб, сувда эримайдиган ҳолга келади.

Ҳаво иссиқ кунда акварелда ишлаш жараёнида бўёқнинг тез қуриб қолиши табиий ҳол бўлиб, уни секинлаштириш учун ишлатиладиган сувга оз миқдорда глицерин қўшиш тавсия қилинади. Бугунги кунда акварель бўёғи бир неча кўринишда—идишсиз, қаттиқ ғиштчалар, пластмас идишчаларда, кўрғошин тюбикларга қўйилган кўринишда ишлаб чиқарилади.

Акварель бўёгини тайёрлашда кўп ишлатиладиган таркиб қуийдагича

A	Сувда эритилган дараҳт елими	39,34 %
	Сув декстрин қоришмаси	26,57 %
	Желч қоришмаси	5,25 %
	Глицерин	15,73 %
	Асал қоришмаси (левулеза)	13,11 %
B	Сувли дараҳт елими (камеди)	43,48 %
	Глицерин	38,53 %
	Асал қоришмаси (левулеза)	12,42 %
	Мол ўти қоришмаси (желч)	4,97 %
	Феноль	0,60 %

Акварель бўёғи хусусиятидан келиб чиқиб таркибидаги фойдаланиладиган пигментлар қўйдаги талабларга жавоб бериши керак: ўта майнинлик, ранг тозалиги, қоплаш хусусиятига эга бўлиш, шаффофлиги, сувда тез эриш, қоғоз сиртини текис ва сифатли бўялиши, ёруққа чидамлилиги.

Акварель бўёғига қўйиладиган талаблар; сувда тез эриши, ранг тозалиги, шаффофлиги, мўйқаламга енгил олиниши, қоғоз, оқ картон каби сатхларни текис доғсиз бўяши, ёруғликка чидамлилиги, рангларининг ўзаро

яхши аралашиши, қоғоз сиртига яхши ёпишиши, енгил ювилиши, суркалмаслиги, ёрилмаслиги, хашоратлардан ҳимояланганлиги

Акварельнинг ўзига хослиги:

1. Шаффошлиги.
2. Шаклни битта ранг билан устма-уст бўяшда туснинг тўқлашиб бориши.
3. Қоғоз сатхиди тиник - жарангдор товланиши.
4. Қуёш нурига чидамсизлиги.
5. Таркибида оқ рангнинг бўлмаслиги.

Бўёқда ишлаганда тасвирнинг оқ жойини кўрсатиш учун қоғознинг тоза кўриниши сақлаб қолинади.

Акварелнинг бошқа бўёқлардан ажралиб турувчи, ўзига хослигини аниқлаш бўйича қуидаги амалий машғулот бажарилади. Кичик хажимли идишда сув солиб унга акварелнинг исталган рангидан (қора, кўк ёки жигарранг) аралаштириб туси оч бўлган коллер тайёрланади. А4 ўлчамдаги қоғозда бир бирига уланган ёки ўзаро яқин жойлашган 5та квадрат шакли чизамиз.

1. Юмшоқ мўйқаламда барча шаклларни текис, доғсиз бўялади.
2. Улар қуригач биринчи шаклни қолдириб бошқа шаклларни иккинчи маротаба бўялади.
3. Биринчи ва иккинчи шаклларни қолдириб кейинги шаклларни учинчи маротаба бўялади.
4. Кейин тўртинчи ва бешинчи шаклар тартиб асосида бўялади.
5. Охириги жараёнда фақат бешинчи шаклнинг ўзи бўялади.

Бўёқ тўла қуригач шакллар тусини ўзаро тақослаймиз. Сувли бўёқ ранги ўзгармаган ҳолда бўялган шаклларимиз бир бирига нисбатан аста тўқлашиб бориши, бешинчи шакл туси биринчисига нисбатан аниқ тўқлашганини кузатишимиш мумкин. Бу холат бошқа бўёқларда кузатилмайди. Демак акварелнинг ўзига хослиги бир тусли бўёқ билан усма уст бўяш орқали тусини тўқлаштириш мумкинлиги.

Акварелнинг иккинчи ўзига хослик томони унинг қуёш нурига ўта чидамсизлиги. Буни содда машқ орқали аниқлаш мумкин. Исталган ўлчамдаги оқ қоғозда 5x15см хажмли тўртбурчак шаклини чизамиз. Бўёқ таркибидаги исталган рангдан туси тўқроқ ранг тайёрлаб шаклни бир неча маротаба бўяб, доғсиз кўринишга эришамиз. Бўялган шаклнинг ярмини қора қоғоз билан беркитиб қуёшли жойга бир ёки икки хафта ушлаймиз. Қора қоғозни ажратиб олганимизда акварелда бўялган бир рангли шакл икки тусга кирганлиги аниқ кўришимиз мумкин. Яъни қуёш нури остида қолган шакл - қора қоғоз остидаги қисмига нисбатан анча оқариб, ранг ёрқинлигини йўқотгани аниқ кўринади. Бу ҳол сувли бўёқларнинг барчасида кузатилсада акварелда тез содир бўлади. Хуноса: *Акварель қуёши нурига чидамсиз бўёқ.*

Шу сабаб бўёқда ишланган суратлар ёруғликдан узоқ жойда, альбом ичида сақланади. Музей экспозицияларида акварелда ишланган суратлар ойна остида, устидан қора мато ёпилган холда намойиш қилиниб, томошабин матони кўтариб суратни томоша қиласди ва сўнгида яна ёпиб қўйши музейларда ёзилмаган қоида ҳисобланади.

Акварель ишлатиш усулининг оддийлиги, қулайлиги билан кенг омма, яъни боғча ёшидаги болаларидан бошлаб санъат ишқибозлари ва профессионал рассомлар фойдаланадиган бўёқdir.

Акварель бўёғининг қофоз қобигида бирдан бешгача бўлган қора рангли юлдузчаларни кўришимиз мумкин бўлиб, бу юлдузчалар сони шу рангнинг ёруғликка чидамлилик даражасини кўрсатади. Юлдузча сонининг кўплиги шу рангнинг ёруғликка чидамлик ҳусусияти юқори эканлигини билдиради.

XX- аср ўрталарида бир қатор Ўзбекистонлик китоб графикаси, плакат ва рангтасвир усталари Искандар Икромов, Рождественский, Кайдалов, Қ.Башаров ва улардан кейин, Искандар Вохидов, Марат Содиқов, Дилюс Мурсалимовлар ижоди сувли бўёғнинг бу тури билан боғлиқ. Марат Содиқов бутун умри ва ижодий фаолияти давомида акварель бўёғида юзлаб бетакрор асарлар ишлаб юртимиизда унинг оммалашишига катта ҳисса кўшиб келмоқда. Акварелнинг имкониятларининг чексизлиги, бетакрорлигини тарғиб қилиш мақсадида 2001йили Мексикалик рассом Альфредо Гуати Роҳо ташабуси билан 23 ноябрь санасини Халқаро акварель куни деб эълон қилинди.

Акварелда ишлаш жараёнида керак бўладиган тавсиялар: Ҳаво иссик кунда акварель бўёғида ишлаш жараёнида бўёғнинг тез қуриб қолиши табиий хол бўлиб, уни секинлаштириш учун бўёқни эритишда ишлатиладиган сувга оз микдорда глицерин қўшиш тавсия қилинади.



Марат Содиқовнинг акварель бўёғида ишланган суратларидан наъмуналар



Дилюс Мурсалимовнинг акварель бўёгида бажарилган ишларидан наъмуналар

2.2. ГУАШЬ ТАРКИБИ

Гуашь – француз тилидан таржима қилганда “хўл – сувли, ботқок” маъносини билдиради.

Гуашь плакат, девор паннолари, театр декорациялари, афиша, реклама турларини ишлашга мослашган бўёқ бўлиб акварелга нисбатан катта идишларда бўлади. Гуашнинг акварелга нисбатан фарқи таркибида ок рангнинг мавжудлиги. Шу сабабли бўёқ билан бўялган ранг қуриганда хўл холатига нисбатан бир сезиларли даражада оқаришини кузатиши мумкин. Сифатли гуашь билан бўялган сатҳ қуриганда духобасимон товланишга эга бўлади. Маълум бир ранг билан сатҳни бир неча марта усма-уст бўялганда ҳам тус ва ранг жихатдан ўзгариш бўлмайди. Бу холат катта ўлчамдаги театр декорацияларини бажаришда, кўчаларни паннолар билан безашда, плакатлар, эскизлар, иллюстрациялар ишлашда жуда қўл келади. Бўёқнинг қуриш жараёни таркибидаги сувнинг буғланиши билан боғлиқ. Гуашь акварель сингари суюқ ҳолда ва қуюқ кўринишда ишлатиш мумкин. Катта сатҳларни текис бўяш 2 -3 марта қоплаш орқали эришилади.

Гуашь таркиби – майин рангли пигментлар, елим, сув, юмшатувчи глицерин, жельч, шакар, крахмал ва фенолдан иборат бўлади.

Ранглар таркибида оқ ранг қўшимчаси бўлган ҳолда, алохида идишдаги оқ рангли бўёқ ҳам мавжуд бўлади.

Биринчи таркиб	
Сув	45,0 %
Бүгдой крахмали	7,0 %
Шакар	13 %
Гуммиаробик	20 %
Глицерин	9,38 %
Желчъ	5,0 %
Фенол	0,62 %

Иккинчи таркиб	
Сув	45 %
Декстрин	23,8 %
Гуммиаробик	19,9 %
Глицерин	5,91 %
Фенол	0,75 %
Желчъ	5 %

Гуашь таркибиға қўшиладиган желчъ алоҳида ишловдан ўтказилган бўлиб, бу қуйидаги жараёндан иборат:

Желчъга карбаловой кислотаси қўшиб, 1 соат давомида қайнатилади. Совутилиб, спирт қўшиб тиндирилади. Фильтрланиб сувга аралаштирилади. Бу жараён учун 500 грамм желчъ, 100 грамм карбаловой кислотаси, 300 грамм спирт, 1 литр дистерланган сув керак бўлади.

Юқорида айтилгандек, гуашь ранглари таркибида турли хил қўшимчада оқ ранг мавжуд бўлади.

Оқ рангнинг турли ранглар таркибиқўйидагича:

Ранглар номи	Цинк оқи	Баритовие белила
Киноварь	5	5
Кадмий красный	5	10
Английская красная	5	5
Окись хрома	5	5
Изумрудная зеленая	7	10
Кобальт фиолетовый	20	15
Сиена жженая	25	20
Охра красная	30	25
Кобальт синий	35	30

Краплак	40	35
Охра светлая	50	45
Охра темная	50	45
Стронциановая желтая	55	45
Сиена натуральная	100	90

Елимлар таркиби хам турли рангларда турлича кўрсаткичга эга.

100 грамм рангли пигментга елим қўшиш

№	Ранглар	Боғловчи елим
1.	Цинковая белила	40
2.	Белила баритовие	65
3.	Кадмий красный	50
4.	Киноварь	45
5.	Охра красная	110
6.	Краплак	200
7.	Английская красная	180
8.	Охра светлая	60
9.	Охра темная	80
10	Сиена натуральная	85
11	Сиена жженная	110
12	Стронциановая желтая	90
13	Кобальт зелений	45
14	Кобальт синий	185
15	Ультрамарин	75
16	Парижская синяя	230
17	Феодосийская коричневая	85
18	Сажа черная	380

Гуашдан қоғоз, картон, фанер, левкас, холст, девор каби сатхларда тасвир чизишка фойдаланиш мумкин. Гуашь таркибида боғловчи елимнинг ортиқча қўшилиши бўялган сатхнинг ялтираб кўринишига сабаб бўлади. Бу гуашь хусусиятига хос эмас.

Боғловчининг оз қўшилиши бўялган сатхда бўёқнинг суркалувчан, юқувчи бўлишига сабаб бўлади.

2.3. ТЕМПЕРА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Темпера - (итал. *tempera*, лотинча *temperare* - аралаштириш маъносини билдиради). Темперанинг боғловчиси эмульсия бўлиб, темпера бўёғи эмульсия ва пигментдан ташкил топган. У сувда эрувчи бўёқлардан бири.

Тарихи- Темпера энг қадимги бўёқ бўлиб унинг тарихи уч мингдан ортиқ вақтга бориб тақалади, Тасвирий санъат тарихида машхур бўлган Фаюм портретлари темперанинг тарихи узооқ вақтларга бориб тақалишини исботлайди.

Фаюм портретлари деб Эрамизнинг I—III асрларида қадимги Мисрда яшаган грек, рим, мисрликларнинг тобутлари устида жойлаштирилган, мархумнинг тириклиқ давридаги портретларига айтилади.



Маросим портретлари энкаустика, темпера техникасида ишланган.

Мархум тобути устига қўйилган дафн маросим портрелари ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар 1615йили Италиян тадқиқотчиси Пьетро Делла Валленинг Мисрдаги Сахара - Мемфис оазисида бўлганлигига қайд этилган. У бугунги кунда Дрездендаги давлат бадиий коллекциясида сакланаётган ёғоч тахта устида ишланган икки маросим портретини Европага олиб келиб намойиш қиласиди. Европа давлатларида қадимги Миср санъатига қизиқиши катта бўлишига қарамай маросим портретларига эътибор кутилганидек бўлмайди. 1887йилда Флиндерс_Питри бошчилигидаги Британия экспедицияси томонидан Фаюм оазисида кўп микдорда маросим портретлари топилади. Шу сабаб Мисрнинг бошқа ерларида топилган дафн портретлари ҳам “Фаюм портретлари” деб атала бошланди. Антиквариат билан шуғулланувчи Веналик Теодар Графт савдогарлардан сотиб олган 94та маросим портретларининг нархини ошириш учун немец Мисршуноси ёзувчи Георг Эберсга суратларга жамоатчилик дикқатини жалб қилиш мақсадида илмий мақола ёзишини таклиф қилиб таништиради.

Г.Эберснинг коллекциядаги маросим портретларининг тарихий ва бадиий қимматини юқориилиги ҳақидаги 1888 йилдаги нашридан сўнг “Фаюм

портретлари” коллекционерлар орасида жуда машхур бўлди. XIX аср бошларига келиб маросим портретларига нисбатан қизиқиши кучайди. Мисрнинг турли ерларида маросим портретлар топила бошланди.

Флиндерс Питри бошчилигидаги илмий тадқиқот экспедицияси Хавар деган жойда 1887йили 81дона, 1910 -1911 йилнинг қишида 70 дона маросим портретларини топади. 1892 йили немец археологи Кауфман Алин қабрларини очиб бугунги кунда машхур бўлган маросим портретларини Фаюм оазиси ва Арсиноя, Мемфис, Панопл, Хиби деган турли жойлардан топди. Топилган барча маросим портретлари бир номда Фаюм портретлари деб аталишда давом этди.

“Фаюм портретлари”нинг ашёси - чиришга чидамли Кедр, итальян соснаси ва сарв дараҳтидан яслган тахталар устида ишланган бўлсада баъзилари матода ишлаб кейин тахтага ёпиштирилган.

Портретлари уч ҳил - энкаустика, тухумли темпера ва бу икки усулнинг аралашмасида ишланган. Бугунги кунда жаҳоннинг энг машхур Мисрнинг Қоҳира, Американинг Метрополитен, Германиянинг Берлин, Франциянинг Лувр, Англиянинг Британия, Россиянинг Эрмитаж, Пушкин ва бошқа давлат музейларида 900 дан ортиқ Фаюм портрети номини олган маросим суратлари сақланмоқда.

Европада Уйғониш даври рассомлари темперадан асосий бўёқ сифатида узоқ вақт фойдаланишган. XVI асрда мойли бўёқ урф бўлгандан сўнг темперада ишлаш унутила бошланди. Бир неча асрдан сўнг XIX асрга келиб темпера яна рассомлар устахонасига қайтди.

Темпера сувли ва мойли бўёқ орсидаги бўёқ бўлиб унинг боғловчи эмульсиясида мой иштирок этиб сувда эрийдиган бўёқ ҳисобланади.

Темперанинг сувли бўёқлар ичida ўзига хослиги- “**қайтмаслик**” хусусияти бўлиб у сув (нам)да юмшаб, қайтадан эrimайди. Бунга сабаб, унинг таркибини кучли боғловчилар ташкил қилганлигига.

Афзаллиги – тез қуриши, сатҳдаги қотган бўёқ устидан ювиш мумкин, сиртида ялтироқлик хусусияти йўқ, якунланган ишни локлаш мумкин. Камчилиги – узоқ вақт фойдаланмагандан идиш ичida қотиб қолиши ва қайта эrimаслиги.

Таркиби жихатидан унинг бир неча турлари мавжуд:

1. Тухумли темпера,
2. Казеинли темпера,
3. Воскли темпера
4. Поливинилацетат темпераси ва х.к.

Тухумли темпера эрамиздан олдинги 3200 йиллардан бери қадимги Мисрда ишлатилиб келаётган бўёқ тури. Бу бўёқда антик даврда Византияда девор суратларини ишлашда эрамиздан олдинги VIII асрда эрамизнинг IV асрларида ўрта асрларда VIII - XIV ва Уйғониш даври XIV - XVI асрларда Европа рассомлари тухумли темперадан девор сатҳида ва алоҳида суратлар ишлашда фойдаланишган.

Тухумли темпера

Тухумли темпера энг қадимги бўёқлардан бири бўлиб, унинг уч хили мавжуд: бутун тухумдан, тухум оқидан ва тухум сариғидан тайёрланадиган темпера. Тухум оқидан тайёрланадиган темперадан шарқда миниатюра асарларини ишлашда кенг фойдаланилган. Тухум сариғидан тайёрланадиган темпера локли миниатюра асарларини ишлашда фойдаланилади. Тухум сариғидан тайёрланган темпера тухум оқидан тайёрланган темперага қараганда таркибида ёғ моддасининг кўплиги, ёпиширувчи хусусиятининг кучлилиги билан ажралиб туради. Куриганда рангнинг туси ўзгармайди.

Казеинли- мойли темпера

Ўз номидан маълумки, боғловчи сифатида сувда эритилган казеин елими ва зифир мойи ишлатилади. Мойли бўёқ топилгунга қадар қадимда темперадан деворий ва дастгоҳли суратларни ишлашда фойдаланилган. Сувда яхши суюлади, тез қурийди. Куриган бўёқ сув билан ювилгандан эримайди ва суркалмайди. Устма-уст ишлаш имкониятлари бор. Куриш жараёнида туси ўзгаради.

Поливинилацетат - ПВА елими асосидаги темпера

Таркиби пигмент ва ПВА елими. Турли суюқлик кўринишларида қоғоз, картон, левкас, девор сиртида ишлашга мўлжалланган. Суюқ ҳолда ишлатилганда 1 – 2 , қуюқ ҳолда қоплаш усулида 3 –4 соат давомида қурийди. Куригандан сўнг ранг ва туси ўзгариши мумкин.

Мумли темпера-энкаустика

Асалари мумидан боғловчи сифатида фойдаланиб тайёрланган темпера шундай номланади.

Бутун тухумдан тайёрланган эмульсия таркиби

Тухум сариғи — 1 дона. Тухум оқи — 1 дона. Сув – 45 грамм. Фенол — 15 томчи.

Тухум сариғидан темпера тайёрлаш

Бугунги кунда локли миниатюра ишлашга бўлган қизиқишининг катталигини эътиборга олиб, ушбу темперани тайёрлаш жараёни хақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Бўёқ таркиби – пигмент, тухум сарифи, сув, сирка. Тухумнинг пўстли қобиқ қисми очилиб, ичидаги оқ суюқ қисми бошқа идишга солинади. Сарифи қопи билан олиниб, чайқаб тозаланилади, сўнг қоп пардаси йиртилиб сариқ суюқлик, олдиндан ювилган тухум идишига қайта солинади. Шу миқдорга тенг миқдорда сув қуишлиб, ёғоч қошиқча билан бир хил суюқлик хосил бўлгунча аралаштирилади ва 5–6 томчи 10% (уксус) сирка ёки нон кваси қуилади. Бу қўшимча тухум сарифини тез айнашдан асрайди. Тайёрланган таркиб “Эмульсия” деб аталади.

Ранг кукуни пластмасса, ёғоч ёки чинни идишчага солиниб устидан эмульсия қуилади. Ранг кукуни эмульсияга бўкиши учун бир оз вақт кутиш керак. Сўнг бош бармоқ билан пигмент идиш деворига эзиб ишқаланилади. Майда заррачалар йўқолиб, бир хил қаймоқсимон холатга эришилгандан сўнг бўёқ тайёр хисобланади. Агар бўёқ қуюқ бўлиб қолса, ишлатишга қулайлик хосил қилиш учун эмульсиядан қўшилади. Иш жараёни учун керакли бўлган суюқлик холатига келтирилган темпера бўёғи ишлатишга тайёр ҳисобланади. Бўёқни кун иссиғида узоқ сақланиши учун эмульсия таркибига оз миқдорда сирканинг сув билан аралашмаси ёки чеснок суви қўшилади.

Тухум оқидан бўёқ тайёрлаш учун эмульсия


Тайёрлаш жараёни сарифидан тайёрлаш жараёнига ўхшаш бўлиб, тухум оқидан тайёрланган эмульсиянинг елимлаш қуввати пастроқ бўлади. Шунинг учун аралашмага бир оз миқдорда чеснок суви қуилади. Тухум оқидан ва ранглар қоришмасидан тайёрланган бўёқ фақат қоғоз ёки картонда ишлаш учун ишлатилади (лакланмайдиган сатхларда).

Тухум оқи — 1 (30 грамм)

Чеснок суви — 0,2 грамм

Сув – 30 грамм

ХХ аср ўрталаридан бошлаб темперада асосан девори суратлар ишлашда кенг фойдаланила бошланди ва бу анъана бугунги кунда ҳам сақланиб қолмоқда.



H.Perix. Moviy toglar

Ўзбекистонлик рассомлар орасида ўз ижодининг кўп қисмини бу бўёқ билан боғлаган рассомлар кўпчиликни ташкил қиласди. Айниқса маҳобатли безак санъатида ишловчи рассомлар Б. Жалолов, Ж. Умарбеков, А. Алиқулов, М Сабировлар ўзларининг деворий ишларини амалга оширишда ушбу бўёқдан унумли фойдаланиб келмоқдалар.

2.4. АКРИЛ ТАРКИБИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Акрил - Синтетик бўёқ бўлиб темпера сингари тез қурийди, қайтмаслик хусусиятига эга, қоплпш хусусияти яхши, қофоз, фонер, мато, шиша,металл, девор сахида ишлаш мумкин. Куриган бўёқ сирти ялтирашхусусиятига эга. Эритувчи сифатида оддий сув ёки маҳсус суюқликдан фойдаланилади.

Тарихи- Бадиий бўёқлар ичида энг ёши Акрил бўёғи XX асрда кашф қилинган. Бўёқ суний смола асосида яратилган бўлиб у бир қатор афзалликларга эга - ранг турининг кўплиги, рангларининг тозалиги, жарангдорлиги, об ҳавога чидамлилиги, ҳашоралардан ҳимояланганлиги, тез қуриши, барча сатхларда қўллаш мумкин ёнгинга чидамли, деярли ҳидсиз. Акаврель бўёғи сингари суюқ, мойли бўёқ сингари қуюқ ҳолларда ишлатиш мумкин.

Камчилтиги - идишдаги бўёқ очиқ ҳавода қуриб қолиши, қотган бўёқни қайта юмшамаслиги, бошқа бўёқлар сингари узоқ вақт синовидан ўтмаган.

Таркиби - пигмент, боғловчи сифатида акрил смоласи, Суний Акрил смоласи XX аср бошларида Германияда кашф қилиниб, сўнг Америка Кўшма Штатларида суний смолани органик суюлтирувчилар билан қоришириш орқали Акрил кашф қилинди. 1940 йилларга келиб АҚШда, 1960 йилларда Европа давлатларида ишлаб чиқарилган ёрқин рангли, ишлатишга қулай акрил бўёғидан рассомлар фойдалана бошлашди.

XX асрнинг ўрталарида Мексикада бир қатор деворда маҳобатли сурат ишловчилари Д.Ривера, Д.Сикейрос, Х.Ороско, Р.Гуттузо каби дунёга машҳур рассомлар етишиб чиқдилар. Улар мамлакатдаги йирик меморий биноларда Мексика тарихи, халқ харакатига бағишлиланган суратлар билан безашни мақсад қилиб ишлай бошлашди. Биринчи акрил бўёқларидан спирт асосида яратилган ”Магна” 1947й савдога чиқарилди. Тез орада янги технология асосида сувда эрийдиган акрил ихтиро қилинди.

2.5. МЎЙҚАЛАМЛАР

Нозик чизиқлар чизиш, кичик хажмдаги рангларни бўяш учун рассомга нозик ва юмшоқ мўйқалам керак бўлади. Қадимги миниатюра усталари бундай мўйқаламларни ўзлари тайёрлашган. Бунинг учун узун юнгли икки ойли

мушук боласининг бошининг орқа қисмидаги мўйдан кесиб олиб, уни иссиқ сувда ювиб ёғсизлаштириб тозалашган. Тутам юнгларни тахта устида доналаб териб қийшиқлари олиб ташланиб фақат тик туклардан фойдаланилган. Энг узун мўй ўртага қўйилиб, қолганлари икки ён томонга терилган. Туклар керакли хажмда йигилгандан кейин, шойи ип билан боғланган ва олдиндан тайёрланган каптар патининг ичига жойлаштиришган. Пат икки томондан кесилган ғовак трубка ҳолида узунлиги 3, 4 см атрофида олинган. Ғовак патнинг иккинчи томонига бехи, тол дарахти новдасидан ушлагич ясаб жойлаштиришган.

«Қанун-ас совар» қўлланмасини ёзган мусаввир Содигбек Афшар маълумотига қўра, мусаввирлар олмахон думидан ҳам мўйқалам ясашган. Мўйларни жойлаштирувчи уя учун ғоз патидан фойдаланишган.

Хозирги кунда фабрикаларда колонок ёки олмахон думидан тайёрланадиган юмшоқ мўйқаламлардан фойдаланиш мумкин. Колонок — мўйқаламлари сатхни ранг билан бўяшга, олмахон юнгидан тайёрланган 1, 2, 3 рақами мўйқаламлар сиёҳқалам чизиқларини тортиш, инсон юз қисмидаги қош, кўз, бурун, лаб каби аъзоларни нозик тасвирлашда фойдаланиш мумкин.



Олмохон тукидан мўйқалам

Колонок тукидан мўйқалам

2.6. ПИГМЕНТЛАР

Мавзуни ўрганишдан мақсад пигмент ўзи нима? Органик ва ноорганик пигментлар, тупроқ, газ, мева, суяқ қуондилари, металлар окисидан олинадиган пигментлар, уларнинг турлари, олиш манбаалари, Шарқ ва Европа рассомларининг баъзи пигментларни ҳосил қилиш усуллари, бўёқ тайёрлашда пигментларга қўйиладиган талаблар ҳақидаги маълумотларни билиб оламиз.

Пигмент - хар қандай бўёқнинг асосини ташкил қиласидиган рангли кукун. Пигментлар икки **органик** ва **ноорганик** турга бўлинади. Органик пигментлар ўсимликлардан олиниб тоза ранг кўринишига эга. Бўёғи қофоз сиртини яхши бўяши билан бирга қофоз ичига сингиш хусусияти кучли бўлади ва зарурат бўлганда ювиб кетказишнинг иложи бўлмайди. Бу пигментлар ёруғлик таъсирида тез оқариш хусусиятига эга бўлганлиги сабаб улардан тасвирий санъат бўёқларини тайёрлашда фойдаланилмайди

Ноорганик пигментлар- ёрукка чидамли, қоплаш хусусияти яхши бўлгани учун тасвирий санъат бўёқларини тайёрлашда асосий хом ашё ҳисобланади.

Пигментларнинг олиш манбаалари турлича бўлиб, улар табиий тупроқ, тош, метал окислари ва куюндиларидан иборат.

Тупроқдан олинадиган пигментларга оч сарғимтирдан тортиб жигаррангча бўлган рангларлар киради. Табиий тупроқлардан олинган Охра, Кадмий қизили, Капут-мортуум пигментлари ёруғликка чидамлилиги сабаб бўёқ тайёрлашда энг яхши хом ашё ҳисобланади. Кармий қизили ранг жихатдан тоза, жарангдор кўринишига эга бўлишига қарамай ёруғликка чидамли эмас,

Пигмент номлари тупроғининг олинган жойи номи билан аталиши сабаб улар қайси ердан олинганини билиш мумкин.

Мисол: Умбра, Сиена номли пигментлар –Италиядаги вилоят, жой номи; Феодесия жигарранги, Шахназар қизили, Англия қизили, Ҳинд қизили ва бошқа кўплаб иссиқ рангдаги бўёқлар номи пигментининг ватани номидан келиб чиқади. Бир сўз билан айтганда бўёқ номидан унинг пигменти қаердан олинганини билиш мумкин. Тупроқдан пигмент ҳосил қилиш жараёни-тошлардан тозалаш, сувда ювиш, қуритиш, майдалаб элакдан ўтқазишдан иборат. Тупроқдан олинган пигментлар иссиқлик таъсирида табиий рангига нисбатан тўқлашиш хусусиятига эга бўлгани учун, уларни қиздириб янги ранг учун хом ашё ҳосил қилиш мумкин.

Табиий тупроқдан олинган **Сиена пигменти** ювиш, фильтрлаш, қуритиш жараёнларидан сўнг $500—600^{\circ}$ иссиқликда қиздирсак, тўқ кўринишдаги **сиена жженая** пигментини ҳосил қилган бўламиз.

Қора рангли пигментларнинг номланиши олиш манъбааси номи билан боғлиқ. Куйган суяқ қораси- (кость жженая) бўёғининг пигменти жонивор суякларини қўйдириш йўли билан олинади

Узум қораси - (виноградная черная)- узум уруғи, навдасини куйдириш орқали,

Шафтоли қораси – (персиковая черная) шафтоли данагини ҳаво кирмайдиган печларда қўйдириш орқали ҳосил қилинади.

Қора қурум – (сажа газовая) пигменти- газ, ёғ маҳсулотларининг ёниши вақтида ҳосил бўлган қурум ҳисобланади.

Табиий тошлардан олинадиган пигментлар

"Ультрамарин" рангининг асоси бўлган тўқ кўк рангли пигмент қадимдан Афғонистон тоғларидан қазиб олинувчи лазурит тошини майдалаш орқали олинган. Ўрта асрларда бу ажойиб ранг пигменти олтин оғирлигига тенг миқдорда сотилган. Кейинги даврларда бу ранг кимёвий йўл билан тайёрланмоқда.

Ультрамариннинг кимёвий формуласи $\text{Na}_3\text{Al}_6\text{Si}_6\text{O}_{24}$ каолин, сода, олтингугурт, тупроқ ва тошкўмир кабиларнинг аралашмаси маҳсус печларда 15–16 соат давомида 500°C да қиздирилгандан сўнг яна 800 – 850°C температурада 10–12 соат давомида қиздирилади. Кейин печ ичига ҳаво киритилиб, 500°C температурада яна 12—15 соат ушланилади. Бир неча кун давомида аста-секин совутиш жараёнидан кейин Ультрамарин рангли пигменти ҳосил қилинади.

Металлардан олинадиган пигментлар:

Оқ бўёқни тайёрлашда металлардан олинадиган пигментларнинг уч хили ишлатилади. 1. Цинк. 2. Қўрғошин. 3. Титан оқи.

Цинк (Рух) оқи – хом ашёси рух металли. XIX аср ўрталаридан бошлаб тайёрланиб келинмоқда. Кимёвий формуласи $2\text{Zn} + \text{O}_2 = 2\text{ZnO}$

Цинк металли ёпиқ печда 1000 — 1100° эритилиб буғ ҳолатига келтирилиб, маҳсус тешиклар орқали бошқа идишга ўтказилади. 300°C даги бошқа печда ҳаво билан окисланиш натижасида **Цинк оқиси** - оқ пигмент ҳосил бўлади. Хозирги кунда пигментлар маҳсус завод печлари орқали олинса қадимда Европа ва Шарқ рассомлари ўзларига керак бўлган рангли пигментларни жуда содда йўллар билан ҳосил қилишган.

XVII асрда ёзилган маълумотда қуйидаги жараён келтирилади:

«...тоза идишга сирка қуйиб мис бўлагини сиркага тегмайдиган яқинликда осиб қўй ва идиши оғзини маҳкамлаб ёпгинки, сирка буги ташқарига чиқмасин. Тўрт хафтадан сўнг мис устидан яшил кукунларни қириб ол...»

Шарқда зангори рангни тайёрлаш усулини XVI аср ўрталарида Табризда туғилиб, яшаб ижод қилган мусаввир, шоир Содиғбек Афшор қуйидагича ёзади: «... Зах ерда икки газ чуқурликда ўра ҳосил қил. Юпқа тоза мис бўлакларини солиб, устидан ёш сирка қуйки, мис бўлакларини кўмсин. Устини ёпгинда, бир ой давомида хабар олма. Ой тўлгач кўрасанки, мис тўлалигича зангори кукунга айланади».

Кизил рангли пигмент ҳосил қилиш усули хам Европа ва Шарқда жуда ўхшаш. Киноварь қизил рангни қуйидагича ҳосил қилиш мумкин:

Бир қисм симоб ва икки қисм (баъзида 1:1 нисбат ёзилган) олтингугурт шиша идишга солинади. Идиш оғзи лой билан суваб беркитилади. Паст оловда оқ тугун пайдо бўлгунча қиздирилади. Шу жараён натижасида киновар қизил пигменти ҳосил бўлади.

Сурик (*тўқ қўринишдаги қизилранг*) пигменти- тасодифан, Афина шахрида бўлган ёнгиндан сўнг кашф қилинган. Ёнгинда қизиган қўрғошин қизил сурикка айланган. Содиқбек Афшар маълумотга кўра Ўрта асрларда сурик пигментини ҳосил қилиш учун қўрғошиннинг майда бўлаклари идишга солиб тўхтовсиз аралаштирган ҳолда идиш остидан қиздириб тайёрлаганлар.

Бугунги кунда кимё саъноатининг жадал ривожи суний пигментлар асосида тайёрланган бўёқларнинг кўпайиб боришига олиб келмоқда. Уларни табиийларидан ажратиш анча қийин бўлсада сувли бўёқларда оддий усулда ажратиш мумкин. Қоғоз сатхи бўялиб бўёқ тўла қуришидан олдин сув ва мўйқалам ёрдамида ювилади бунда табиий бўёқ тез ювилиб оч тусга киради, сунъий бўёқ эса узоқ вақт ўз ранг кучини сақлаб қолади.

Бўёқ тайёрлаш учун пигментлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: заррачаларининг майдалиги, майнлиги, ранг тиниқлиги, узоқ вақт сақланиши, ёруғлик таъсирида оқармаслиги, боғловчилар билан яхши аралashiши, қоплаш хусусиятининг бўлиши.

Пигментнинг боғловчи билан аралashiши натижасида бўёқ ҳосил бўлади. Сувда эрувчи боғловчилар билан аралашиб ҳосил қилинган бўёқларга сувли бўёқлар дейилади. Уларга Акварель, гуашь, темпера ва акрил бўёқлари киради.

2.7. БОҒЛОВЧИ ЁКИ ЕЛИМЛАР

Боғловчи ёки елимларнинг турлари, қайтувчи, қайтмас ҳусусиятлари, жонивор маҳсулотларидан олинадиган елимлар, уларни тайёрлаш усуллари, суний йўл билан ҳосил қилинган елимлар, ишлатиш соҳалари ҳақидаги маълумотлар билан танишиш ўқув жараёни ва ижодий фаолиятда муҳим ўрин эгаллайди.

Боғловчи ёки Елим – икки жисимни ўзаро ёпиширувчи модда. Улар таркиби жихатидан табиий ва сунъий, тури жихатдан қайтувчи ва қайтмас ҳусусиятга эга бўлади.

Табиий елимларга дарахтлар, жониворларнинг суюги, терилари ҳамда сут маҳсулотларини қайта ишлаш йўли билан олинувчи елимлар киради. Булар гуммиарабик, олча, бодом, ўрик, трагант, крахмал, балиқ, казеин, желатин, дурадгорлар елими, декстрин елими.

Сунъий елимларга - суний йўл билан тайёрланган ПВА, БФ, Момент, Супер, силикат, резина елимлари киради.

Елимлар хусусияти бўйича икки қайтувчи ва қайтмас бўлади.

Қайтувчи елим деб - нам, суюқлик тасирида қайта юмшаган елимга айтилади. Казеин елимидан бошқа барча табиий елимлар қайтувчи елимлар ҳисобланади. Мисол: гуммиарабик елимидан тайёрланган акварель, гуашь бўёқларини нам тасирида эритиш мумкин.

Қайтмас елим деб- боғловчи сифатида фойдалангандан кейин қотган елим сув, буғ таъсирида эримайдиган елимларга айтилади.

Унга барча суний елимлар ва табиийлардан казеин киради. Казеин ёки ПВА қўшиб тайёрланган бўёқлар қуригандан сўнг, сув ёки нам тасирида қайтадан юмшамайди, яъни бошланғич холатига қайтмайди. Шунинг учун улар *қайтмас елимлар* дейилади

Декстрин (суний камедь Картошка, жўхори крахмалидан тайёрланади) оқ ва сарғиши турлари бўлади. Оқ декстрин 70-80°C да эрийди, сарик декстрин 18-20°C да онсон эрийди акварел, гуашь бўёқларини тайёрлашда бир қисм декстрин бир ярим қисми сувда 65-95°C қиздирилиб бир ҳил қуюқликка эришгунча тинимсиз аралиштириб турилади. Декстрин қўшилган акварел бўёғи гуммиарабик ва бошқа дараҳт елимларига нисбатан қоғоз сиртида текис ётади.

Глицерин

Сироп шаклида рангиз сув билан тез аралашади, акварель бўёқларда юмшоқлик бериш учун қўшилади, бўёқларни ёрилишдан асрайди.

Декстрин

Крахмал елимларнинг бир тури бўлиб, у икки ҳил: оқ ва сарик. қўринишда бўлади. Сарик декстрин илиқ сувда яхши аралашади. елим ўрнида ишлатилади.

Оқ декстрин илиқ сувда аралashiши қийин бўлгани сабабли, у қиздириш жараёнини талаб қиласи, совуганда желатинга ўхшаш холатга келади. Бу елим гуммиарабик билан аралашганда қотиб қолувчи баъзи бир ранглардан бўёқ тайёрлашда боғловчи сифатида ишлатилади. Арzon, сифати юқори бўлмаган акварель бўёқлари учун асосий боғловчи сифатида фойдаланилган.

Табиий боғловчилар. Жонивор елимлари

Дурадгорлар елими - йирик шохли молларнинг шох, туёқ, тери ва суюкларини узоқ вақт қайнатиш орқали олинади. Дурадгорлар елими жуда кенг соҳаларда ёғоч, фонерларни елимлашда, матони грунтлашда, картон, қоғозни ўзаро елимлашда кенг фойдаланилади.

Тайёрлаш усули- дурадгорлар елими қуруқ қаттиқ ҳолда савдога чиқарилади. Уларни эритиш бир оз мураккаб бўлиб ванна холатида тайёрланади. Майдаланган елим идишга солиниб сув қуйилади. Сув елимни

кўмиши керак. Ярим кун давомида елим юмшаб, шишиш, бўкиш холатига келади. Сўнгра елимли идиш хажми катта бўлган сувли идиш ичига солиб паст оловда қиздирилади. Катта идишдаги сув исиб иссиқлик елимли кичик идишга ўтиши натижасида юмшаган елим эрий бошлайди. Эриш жараёнида ёғоч таёқча билан тўхтовсиз аралаштириб турилганда елим идиш деворига ёпишиб қолмайди. Елим тўлиқ эригач иллиқ, совуқ холда ишлатилади. Заруриятга қараб елимнинг қуюқ суюқлик холати иссиқ сув қўшиш орқали ўзгартириш мумкин. Тайёрланган елим узоқ вақт ишлатилмагандан сиртида моғорлаш бошланади, айниб бадбўй ҳид тарата бошлайди. Шунинг учун елим керакли миқдорда тайёрлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Желатин

Желатин жонивор суж, пай қисмини қайнатиш орқали олинади. Унинг икки тури; истемол ва техник желатин бўлади. Озиқ овқат, ширинликлар тайёрлашда истемол желатини кенг фойдаланилади. Техник желатиндан мато грунтида босмахоналарда китоб муқоваларини елимлашда ишлатилади. Тайёрлаш усули Совуқ сувда икки, уч соат давомида бўктириб қўйилади ва дурадгорлар елими сингари ванна усулида тайёрланади.

Балиқ елими

Турли балиқларнинг боши, ички пуфаги, қанот, дум, суж, тери тангачаларини қайнатиш орқали тайёрланган. Қадимда олтин, кумуш варақларини ёпиширишда ва бўёқ тайёрлашда фойдаланишган. Тайёрлаш усули: елим идишга солиб совуқ сув қўйилади, бўкиб шишгач паст оловга қўйиб ёғоч чўп билан аралаштириб турилади. Иссиқ сувда тўлиқ эриган елим совуқ хола ишлатилади. Мато грунти, тасвирий санъат асарларини тамирлаш ишларида кенг фойдаланилади.

Казеин

Казеин елими - қофоз, картон, ёғоч маҳсулотларини ёпиширишда, рангтасвир учун мато грунтида ишлатилади. Казеин сутли маҳсулот творогдан олинади. Тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Қадимги Мисрда қўлланганлиги маълум. 19 асрда Германия, Швецарияда сут маҳсулотлари қолдигидан казеин ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

Тайёрлаш усули - ёғсиз сут иллиқ жойда ушланади. Сут ивигандан сўнг қофоз билан фильтирланади. Қуюқ масса юпқа матоли қопчага солиниб идишда қайнаётган сувга солинади. Қайноқ сувдан олиб текис ёғоч сатхга ёйиб табиий равишда қуритилади. Ранги кулранг порошок холатида, сувда эритилганда ёпишқоқлик ҳусусиятига эга бўлади

Казеин елимини ишлатишга тайёрлаш - сувга оз оздан қўшиб тинимсиз аралаштириб турилади. Бир хил массага эришилгач 4-5 соат давомида ишлатилади. Фойдаланилмаган елим юқорида айтилган вақтдан сўнг

ёпишқоқлик ҳусусиятини йўқотади. Табий елим қолдиғи бошқа елимлар ичида қайтмаслик ҳусусияти билан ажралиб туради. Иккинчи усул- 100 гр сувга 30 гр казеин солиб бир соат чамаси вақт қолдирамиз, бўкиб шишган елим массани ёғоч калтак билан бир ҳил кўринишга келгунча аралаштирамиз.

Суний елимлар

Силикат елими - энг аввалги суний елим бўлиб унинг иккинчи номи суюқ шиша деб аташади. Унинг ишлатиш соҳалари жуда кенг қамровли бўлиб қофозларни ёпиштиришдан бошлаб қурилишда цемент битон мустахкамлигини ошириш, оловдан ҳимоялаш, гидроизоляция, мөгорлашдан сақлаш мақсадларида ишлатилади.

ПВА

Асоси суний каучук. Бугунги кунда энг қўп ишлатиладиган елим бўлиб концелярия, қурилиш, бўёқ тайёрлашда кенг қўлланилади.

КАМЕД ВА СМОЛА

Камедь- баъзи дараҳт, бутасимон ўсимлик танасидан сизиб чиқиб қотган ширали қотиши. Сувда юмшайди, шишади, эрийди. Мевали дараҳтлар (ўрик, олча, гилос, шафтоли)танаси пўслоги орсида, синган, тирналган жойидан химоя воситаси сифатида ўзидан шира чиқаради ва очиқ хавода турли шаклларда қотади. Кўриниши сарғиш, қизғишдан тортиб то жигаррангача бўлиб, асосан тамсиз баъзида ширин, камдан кам холларда бир оз аччиқ бўлади. Кимёвий таркиби юқори моллекулали углерод.



Камеднинг табиий холдаги кўриниши

Гуммиарабик (Gummi arabicum)

Гуммиарабик— араб мамлакатлари, Африка ва Австралия мамлакатларида ўсуви акацияга ўхшаш дараҳтлар танасидан ажралиб чиқсан камедь. Ранги оч сарғимтир, шишасифат, қаттиқ, ҳидсиз бўлади. Ўзимиизда ўсуви олча, гилос, ўрик дараҳтлари тана қисмиидан ажралиб чиқиб пайдо бўладиган елимга ўхшайди. Иссиқ сувда тез эрийди, қотганда кристаллашади, бир неча ой давомида ўз сифатини сақлаб қола олади ва ёғда эримайди.

Ундан фойдаланиш учун майдаланган елим ва илиқ сувда бир неча соат ушланиши кифоя қилади. Жараённи тезлаштириш учун 1 қисм елимга 1 қисм (оғирлигига тенг микдорда) сув қуиб илиқ печкада эригунча ушланади. Гуммиарабикдан акварель, олтин, кумуш бүёкларини таёрлашда боғловчи сифатида фойдаланилади.

Гилос камеди- баҳор, ёз ойларида гилос дарахти танаси ҳосил бўлиб ранги сарғимтиран то жигаррангача, оғирлиги 1 дан 40 граммгача бўлади. Гилос камеди пўстлоқ чиқиндиларидан тозаланиб майдалниб талқон холига келтирилгач шиша идишларда сақланади Ундан елим тайёрлаш учун бўлаги ёки майдаланган талқони шиша идишга солиниб устидан бирга уч нисбатда илиқ сув қуиши кифоя қилади. Гилос камедини ҳавода чанг кам баҳор ойларида йиғиш тавсия қилинади.

Ўрик камеди - дарахтининг пўстлоғи ёриғи, навда ва мевалари сиртида ҳосил бўладиган сариқ, қизғиши рангдаги елим баҳор ёз ойларида ажратиб олинади. Таркиби, ёпишқоқлик хусусиятлари жихатдан гуммиарабикка яқин туради.

Трагант камеди - Эрон, Греция, Арманистон каби давлатларда ўсувчи бутасимон дарахт танасидан ажралиб чиқади. Кўриниши рангсиз, ҳидсиз бўлади. Сувда яхши эрийди, кучли қотириш хусусиятига эга бўлиб пастел қаламчаларини ишлаб чиқаришда ва «абру- баҳор» қофозларини тайёрлашда ишлатилади.

Лиственница камеди - сибир ўлкасида ўсувчи дарахти танасида ҳосил бўлиб, ранги сарғимтир, шаффоф кўринишига эга бўлиб йил давомида йиғиш мумкин. Сувда яхши эрийди ёпишқоқлик хусусияти бор. Полиграфия саноатида фойдаланилади.

Смола

Смола- Бугунги кунда йўқолиб кетишга яқинлаб қолган минг йиллар олдин ўсан игнабаргли дарахт танасида ҳосил бўлган шаффоф қотиши. Камеддан фарқи дарё, денгиз тубидан ва қазилма ишлари орқали йиғилади. Қаттиқлиги сабаба сувдву эримайди. Смола турлари табиий ва сунъий бўлади.

Табиий смолаларга янтар, копал, даммар, мастика, канифоллар киради. Сунъий смолага акрил смоласи киради.

Янтар- йўқолиб кетган ҳидли дарахтлар смоласи бўлиб, у Балтика денгизи, Днепр, Висла, Неман дарёлари қирғоқлари бўйидан



топилади. Табиатдаги қучли түфөнлар сув остигдагиянтар бўлакларини кирғоққа чиқариб ташлайди. Махаллий аҳоли учун даромад манбаи бўлиб заргарлик буюмлари, тақинчоқлар тайёрлашда ишлатилади. Янтар 250 –300⁰ иссиқликда эрийди.

Копал смоласи ҳам қадимий смолалардан ҳисобланиб, у XVII асрдан бошлаб фойдаланила бошлаган. У шарқий Африка, узок Шарқ, Кавказ ортида учрайди. Унинг оч сариқ, тўқ сариқ ва жигарранг кўринишдаги қаттиқ ва юмшоқ турлари бўлади. Қаттиқ тури 300⁰С, юмшоги 130-180⁰ С да эрийди.

Даммар смоласи XIX асрдан бошлаб фойдаланилмоқда. У Индонезия ва унга қўшни бўлган давлатларда ўсувчи ўсимликлардан олинади. Унинг энг яхши сифатлилари рангиз кўринишга эга бўлиб, у скипидар ва қизиган ёғда эрийди. У 80-100⁰ С температурада эрийди.

Мастика смоласи XII асрдан бошлаб рассомлар томонидан ишлатила бошланган. У Греция, Афғонистон, Африка мамлакатларида ўсувчи ўсимликлардан олинади. Унинг ранги оч ва тўқ бўлади. У 100⁰ С температурада эрийди. Смола қизиган ёғ ва суюлтирувчилар таъсирида яхши эрийди.

Мавзу юзасидан саволлар.

1. Нима учун баъзи бўёқларни сувли бўёқ деб атаемиз?
2. Акварель бўёғи таркибига нималар киради?
3. Гуаш сўзи нимани англатади?
4. Темпера сўзи нимани англатади?
5. Темперанинг акварель ва гуашдан фарқи нимада?
6. “Фаюм” портретлари қандай суратлар ва қаердан топилган?
7. ЎЗ ижодида акварель бўёғига асосланган Ўзбекистонлик рассомлардан кимларни биласиз?
8. Акрил қачон қаерда кашф қилинди?
9. Темпера тасвирий санъатнинг қайси турларида ишлатилади?
10. Тухумли темпера қандай тайёрланади?

4-амалий машғулот. Графика турлари: гравюра; литография, ксилография, офорт, линогравюра.

- 4.1. Графика турлари
- 4.2. Гравюра
- 4.3. Ксилография

4.4. Литография

4.5. Офорт тарихи, ишлеш усули

4.1. ГРАФИКА ТУРЛАРИ

Графика -тасвирий санъатнинг бир тури бўлиб асосан қоғозда қора-оқ рангларда ишланган суратларга қўлланилган бўлса бугунги кунда унга қатор материаллар: графит қалам, сиёҳ, тушь, кўмирқалам, сангина, соус, пастель, ручка сувли бўёқларда ишланган суратлар, қораламалар, композиция эскизлари ва якунланган тасвирлар киради. Графика санъати босма нашр билан узвий боғланиши билан бирга ижодий йўналишдаги мустақил асарлар кўринишида ҳам бўлади.

Графика турлари

1.Дасгохли графика.2. Китоб графикаси,3.Саноат графикаси, 4.Плакат, 5.Компьютер графикаси.

1.Дастгохли графика -рассомнинг маълум бир мавзу асосида ишлаган ижодий асари бўлиб у тасвирий санъатнинг турли жанрларида ишланиши мумкин. У одатда икки ҳил: муаллифнинг ягона нусхадаги асари ва эстамп шаклидабўлади.

2.Китоб графикасига- матбуот маҳсулотлари, китобни безаш учун ишланган муқова, иллюстрациялар ва бошқа тасвирий элементлари киради.

3.Саноат графикаси- товар қутилари, ташриф қоғози, этикетка, марка, конверт, календар, буклет, дискларни безаш учун ишланган тасвирлар.

4.Плакат- авторнинг қоғозда ишлаган асари бўлиб босма нашр орқали кўпайтирилади. Плакатнинг вазифаси тасвир орқали бирор ғоя ёки маҳсулотни тарғибот қилиш.

Унинг турлари - булар сиёсий, карикатура, рекламаларга йўналтирилган бўлади.

Плакатга қўйиладиган талаблар: долбзарлиги, мавзунинг мақсадли ёритилиши, замонга хозиржавоблиги.

5.Компьютер графикаси - компьютернинг график дастурлари асосида бажарилган ишлар.

4.2. ГРАВЮРА

Гравюра - қаттиқ материалсатхидаги тасвир ёки ёзувни ўйиш. Гравюра иши- деб қаттиқ материалга ўйилган тасвирнинг қоғозга бостирилган акс кўринишига айтилади.

Иш жараёни-муаллиф ёки гравёр қоғоздаги тасвириң қаттық материал сиртига үтқазыб тасвир чизиқларини пўлат штихель билан ўйиб тасвириң қолипини тайёрлайди. Бу иш бажарувчидан сабр, маҳорат, куч ва катта тажрибани талаб қиласи. Шунинг учун гравюра ишини баъзи ҳолларда рассом эскизи асосида тажрибали уста гравёр бажаради. Шундан сўнг ўйилган қолип сиртига бўёқ суртиб қоғозга босим билан тасвириң акс қўриниши үтқазилади ва бу жараёнга печат қилиш дейилади. Гравюранинг бошқа санъат турларидан фарқи тасвир ёки матнни печат қилиш йўли билан кўп нусхада қўпайтириш имкониятига эга эканлигида. Графиканиң босма турлари: ўйиб ишланувчи ёки бўртма печат турига Ксилография, Линогравюра, теккис печат турига - литография, чукур печат турига офорт киради.

4.3. КСИЛОГРАФИЯ

Ксилография (грекча *xylon* -ёғоч, *grapho* -чизиш) гравюранинг энг қадимги тури ҳисобланади.

Ашёлари: қаттиқ дарахт (нок, дуб, шамшид) тахтаси, пўлат ускуна, ва штихель турлари.

Ксилография тарихи: Қоғоз ватани Хитой бўлгани учун матн ёки тасвириң қисқа вақтда кўп нусхада қўпайтириш юзасидан изланишлар шу ерда бошланган эди. VI асрда Хитойда иероглиф ва тасвириң нок дарахти тахтасида ўйиб, қоғозга босиб қўпайтириш усули кашф қилинди. Хитойликлар ксилография усулида аввал Будда тарихига оид китоб матни, календарь, ўйин қарталари, иллюстрацияларини босиб қўпайтиришда фойдаланишди. Ксилографияқора-оқ усулида китоб босиш тез орада қўшни Корея ва Япония давлатларига ҳам тарқалди. Тасвириң ҳаётдагидек рангли кўрсатишга бўлган интилиш натижасида унинг рангли турлари ихтиро килиниб 17-18 асрларда Япон рассомлари бу соҳада катта муваффақиятларга эришдилар.

Рангли ксилография –тасвирида бир неча рангнинг иштирок этиши бўлиб, ҳар бир ранг учун алоҳида ёғоч тахта тайёрланади. Кейинги боосқичда алоҳида рангга тегишли тасвир шакллари ўйилади. Тахталар сирти тегишли ранглар билан қопланиб, қоғоз сиртига навбатма-навбат босиш йўли билан тасвириң якуний қўринишига эришилади.

Бундай мураккаб жараён муаллифдан катта маҳорат ва аниқликни талаб қилган. Шу сабаб баъзи рассомларининг асарлари учун ёғоч қолипларини мутахассис усталар муаллиф назоратида тайёрлаганлар. 17-18 асрларда ижод қилган Япон рассомларидан Кацусика Хокусай, Китагава Утамаро кабилар ксилографиянинг ранглитурида кўплаб мураккаб асарлар ишлаб рангли ксилографияривожига катта ҳисса қўшганлар. Япон ксилографияси мураккаб

бўлиб баъзи бир асарларда 40 га яқин ранг иштирок этиб уларнинг ҳар бирига алоҳида ёғоч қолиллар тайёрланган. Япониянинг энг машҳур рассомларидан бириХокусайнинг (1760-1849) “Фудзи тоғининг 36 кўриниши”, “Денгизнинг 1000 кўриниши” каби туркум асарларини гравюранинг ксилография турида ишланганэнг яхши ижод наъмуналари сифатида қабул қилиш мумкин.



“Фудзи тоғининг 36 кўриниши” туркумидан. “Катта тўлқин”асри.
А. Дюрер “Тўрт чавандоз”. Ксилография. Томас Бьюик.Англия қушлари туркумидан

Ксилография XIV-XV асрларда Европада ривож топди. Бу вақтда китоб варағи матни ва тасвири бир тахтада ўйиб печат қилинар эди. И.Гутенберг кашфиётидан сўнг китоб матни литерлар билан терилиб сурати алоҳида ишлана бошланди. Европалик рассомлардан Альбрехт Дюрер кисоллографияни юқори санъат даражасига кўтарди. Унинг асарлари бугунги кунгача ишланган исоллографияларнинг энг яхши наъмуналари сафига киради.

1790 йили инглиз рассоми ва гравёри Томас Бьюик (1753-1828) шамшиит дарахти шохини кўндаланг кесилган тахтасидан фойдаланиб гравюранинг янги кўринишига асос солди. Бу усулда тасвир тусларини назорат қилиш мумкин бўлиб бой кўринишига эришиш мумкин бўлди

4.4. ЛИТОГРАФИЯ

ЛИНОГРАВЮРА

Линогравюра – гравюранинг бир тури бўлиб линолиум материалиси сиртида ишланади..Ашёси имкониятидан келиб чиқиб катта ўлчамда ишлаш мумкин.

Тарихи:XIX – XX асрларда юмшоқ, эгилувчан линолеумнинг кашф қилиниши билан боғлиқ бўлиб Япония ва Россияда қўллаш бошланди.

Ўзига ҳослиги- оқ қоғоз сиртида қора рангда босилган тасвирнинг аниқ, кескин кўринишга эгалиги.

Турлари: 1.оқ-қора, 2.рангли.

Оқ-қора тушунчаси шартли бўлиб, ўзаро кескин ажralувчи бошқа ранглардан фойдаланиш мумкин.

Ишлаш усули: Қалинлиги 3 мм атрофидаги усти силлик бўлган линолиум сиртига бўлғуси тасвир шафф қоғоз орқали ўтқазилади ва кесилмайдиган шакллар тоза қолган ҳолда кесиладиган қисми бирор рангли гуашь билан бўялади.

Кесиш усули ксилографиядаги сингари бажарилади. Ўткир штихел билан тасвирнинг рангланган шакллари ўйиб чукурлик ҳосил қилинади. Кесиш жараёни якунлангач линолиум текис сиртига вал билан қора бўёқ суртилади.

Бўёқ линолеумнинг кесилмаган текис сиртини қоплагач устига қоғоз ёпилади. Станок валлари орасидан босим орқали ўтқазиб тасвир қоғоз сиртига ўтқазилади. Юртимиз график рассомларнинг линогравюра усулида бажарилган асарларининг энг яхши наъмуналари сифатида Ўзбекистон халқ рассоми, Академик, профессор Кутлуг Башаровнинг ижодий ишларини кўриш мумкин



Қ. Башаров. "Миллий спорт ўйинлари" туркумидан

"Камондан нишонга ўқ отиши" Линогравюра

Рангли линогравюра. Рангли экиз асосида ўлчамлари тенг бўлган линолеумлар ранглар сонига қараб тайёрланади. Ҳар бир линолеум сахида тасвирнинг тегишли ранг шакли ўйилади. Қоғоздаги композиция тасвирининг тўрт бурчагига + шаклидаги маҳсус белгилар, ҳар бир линолеум сатхида айнан шу ўлчамда белгиланади. Бу белгилар турли ранг учун кесилган шаклларнинг ўз ўрнига тўғри тушишини таъминлайди.



Биринчи ранг учун тайёрланган линолеум устига вал ёрдамида тегишли ранг суртиб линолеумлар шаклидаги рамка ичига солинди ва устига қофоз қўйиб станок валлари орасидан ўтқазиб печат қилинади. Кейин ранг учун кесилган линолеум рамкага солиниб биринчи ранг босилган қофоз махсус белгиларга мос келган ҳолда линолиум устига қўйилади ва печат қилинади. Тасвирнинг бошқа рангларини қофозга босиш айнан шу тартибда кечади.

Грузиялик рассом Г.Д. Тарчия. "От устида кураши" Ранги линогравюра.

Ҳаётнинг биринчи шарти ёруғлик зимиstonда ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Табиий ёруғликнинг чексиз манъбааси сифатида авваламбор қуёшни сўнг ой ва юлдузларни айтиш мумкин. Суний ёруғлик деганда олов, электр чироқларини эслаймиз. Рассомлар сурат чизиши учун энг мақбули қуёш ёруғлиги бўлиб у куннинг турли пайтида турли ёруғлик тарқатади. Қуёш тасвирини қадимги Миср санъатида тўғри чизиклар орқали нур тарататётган доира шаклида учратиш мумкин. Қуёш ёруғлигига табиат ва предметлар яхши ёритилиши, шакл ва рангларини аниқлашг билан бир қаторда соя ва тушувчи соялар тасвирланувчига шаклини кўрсатишга яхши имконият яратади. Ер шари қуёш ва ўз ўқи атрофида доимий ҳаракатда бўлгани учун ёруғлик, соя нисбатлари ўзгариб туради. Шунинг учун қадимги рассомлар суний ёруғликда ишлашни афзал билганлари ҳам бор. Оч табиат қўйнида сурат чизиш 3-4 соат давомида амалга оширилган бу вақ давомида қуёш ҳаракати озроқ сезилиб нур соя нисбатларида кам ўзгариш кузатилади ундан ортиқ вақт давомида ўзгарш катта бўлиб сурат чизиш бошланиш даврига нисбатан соя кўринишлари фарли даржада ўзгариши мумкин.

Ранг таълимоти тарихидан

Тош даври маданиятини ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики ўша даврларда одамлар уч рангга алохида эътибор беришган бўлиб улар қизил, қора оқ. Бу ранглар рамзий ва сирли ҳисобланган. Бунга сабаб улар табиатдан пигментларни олиш тажрибасига эга бўлмаганлар. Оқ рангни бўрдан, қора гулхандаги ёнган ёғоч мой куюндиларидан, қизил жонивор қонидан тайёрланган бўлиши мумкин. Қадимги шимолий американлик индейцлар дунёнинг тўрт тарафига қараб асосий деб; оқ, қора, қўк, қизил рангни белгилашган. Қадимга Шарқ халқлари Хитой, Ҳиндистонда 5 рангни белгилашди ўзгача фикрлашди.

1. Яшил қўк; баҳор, дараҳт, шарқ, Юпитер, Аждар.

2. Қизил; ёз, олов, Марс, Феникс.
3. Оқ: куз, металл, ғарб, Йўлбарс.
4. Қора: қиши, сув, шимол, Меркурий, Тошбақа
5. Сариқ, ёз тугаши, ер, марказ, Сатурн, илон.

Қадимги Мисрда асосий ранглар деб олти: қизил, сариқ, яшил, қўқ, оқ, қорани деб билишган бўлса, юононлар; тўрт- оқ, қора, сариқ ва қизилни асосий ранглар деб ҳисоблашган.

Қадимги Юнон файласуфи Афлотун (Аристотель) ранг нур билан боғлиқ бўлиб нур йўқ бўлса ранг ҳам бўлмаслигини айтади. У турли хроматик ранглар нурнинг қоронғулик билан турли миқдордаги аралашмаси дейди. Нурни оқ, қоронғуликни қора ранг деб билсак демак асосий ранглар оқ ва қора деган фикирни билдирган эди.

4.5. ОФОРТ ТАРИХИ, ИШЛАШ УСУЛИ

Оформт-(фр. *eau forte* – мустаҳкам сув)-бадиий гравюранинг ўзига хос турибўлиб чукур печат усули деб аталади. Офортни графикнинг бошқа турларидан фарқи- жуда нозик чизиқлар билан ишлаш, асар тусини бошқариш, минглаб нусхаларда қоғозга сифатли босиш имкониятининг борлигига.

Тарихи: гравюранинг кислота билан ўйиш усулини биринчи бўлиб 1501 йили уста Даниэл Хопфер ихтиро қилди. Тахминан шу даврда немис рассоми Албрехт Дюрер ўзининг “Катта замбарак”номлиолти асарини пўлат пластина сиртида офорт усулида бажарди. 16 асрнинг биринчи ярмида рассомлар офорт ишлашда мис пластиналаридан фойдалана бошлишди ва бу ашё узоқ вақт давомида асосий материал бўлиб хизмат қилди. Офортда ишлаш усулининг қулайлиги, кўп нусхада сифатли босма тасвиirlари олиш мумкинлиги билан Европа рассомлари дикқатини ўзига жалб қилди ва рангтасвир усталари ҳам у билан шуғуллана бошлишди. Офорт тасвирий санъатнинг ўзига хос тuri сифатида 17-18 асрларда ўзининг юқори чўққисига кўтарилиб Европададеярли барча китоб иллюстрациялари офорт суратлари билан безатилди.

Ишлаш усули - жилоланган метал (пўлат, мис, цинқ, латун) пластина сирти кислота таъсирига чидамли маҳсус қора смола ёки лок билан қопланади. Пўлат игна билан лок сирти тирнаб тасвир чизилади. Чизиқлар ҳимоя локини тирнаши натижасида метал сирти очилиб қолади. Тасвир иши якунлангач пластина маълум бир муддат кислота концетратига солинади. Метал пластиинанинг ҳимояланган локли қисми сақланган ҳолда тирналган чизиқлар кислота тасирида ўйилиб чукурлик ҳосил қилади. Сув билан ювиб

кислота таъсиридан холос қилинган мис пластина сиртдаги лок қопламаси суюлтирувчи ацетон билан ювиб кетказилади. Қуруқ пластина устига бўёқ суртилиб ишқалаш йўли билан ўйилган чизиқлар ичи тўлдирилади ва усти мато билар артиб тозаланади. Шундан сўнг пластина устига намланган қофоз қўйиб станок валлари орасидан енгил босим остида ўтқазилади. Натижада намдан юмшаган қофоз босим остида чукурчаларга кириб бўёқни ўз сиртига қабул қиласи. Офортасарларининг энг яхши наъмуналари сифатида немис А. Дюрер, итаян Пармиджанино, Ж. Пиранези испан Ф. Гойя, француз А. Ватто ва бошқа рассомларнинг асарларини мисол қилиш мумкин

Рангли офорт - офорт турининг ноёб, жуда мураккаб усули бўлиб, муаллифдан катта тажриба ва маҳоратни талаб қиласи. Бу усулда ишлашда ҳар бир ранг шакли учун алоҳида метал пластина тайёрланади ва унга тегишли ранг бериб босилади.

Рангли офорт ишлашнинг муракаблиги бир неча пластина тасвирини кетма- кет босишда нам қофоз босимни қўтара олмай йиртилиши ёки бирор пластин силжиб умумий яхлит кўринишга путур етиши мумкин.

Офорт усуллари.

1. Юмшоқ лок- лок қопланган сиртда игна воситасида енгил харакатлар билан тирнаб чизиш.

2. Аквантинта- 1750йили француз Жан-Батиста Лепренс кашф қилган. Акварель сингари енги туслар уйғунлигини эришиш мумкин. Тасвир чизиқлари кислотада ўйилгандан сўнг мис пластина сиртига конфол зарачалари сепилиб метални қиздириб эритилгади. Конифол қотгач бетакрор фактура кўриниши беради.

3.Меццо-тинто-кўб меҳнат талаб қиласиган жозибадор кўриниш берувчи усул бўлиб тасвирда шакл тусларининг ўзаро боғланиши орқали мукаммал духобасимон кўринишга эришиш мумкин.

4. Қуруқ игна- XV асрда пайдо бўлибофор метал пластинасини тайёрлаш ёки асарни якунлаш босқичида шаклланди. Қуруқ игна усулнинг ўзига ҳослиги, гравюра жараёни пўлат игна билан тираш орқали бажарилиб ҳеч қандай ўювчи суюқликдан фойдаланилмайди. Тирналган чизиқлар икки томонида қиррали бўртмалар ҳосил қиласи. Қуруқ игна усулида метал сатхини тирнаш рассомдан жисмоний куч талаб қиласи. Доира ва бошқа пластик шакл чизиқларини тирнаш мураккаб кечганлиги сабаб унга тик, ётиқ чизиқларда ишланган офорт характерли ҳисобланади. Куч билан босиб чизилган чизиқлар қофозда тўқ тусга эга бўлиб, енгил тирналган чизиқлар тузи оч кўринишини беради. Бу



усулда Европанинг кўплаб машҳур рассомлари ижод қилишган бўлиб А.Дюрер, , Ф.Гоя, Рембранд асарларини мисол қилиш мумкин.

Ашёлари: юмшоқ металлар мис, латун, рух ва олмос зарачалари қоплпнган игна ёки оддий пўлат игна. Офорда тасвир фонида нуқтали, чизиқли ва турли фактуралар ҳосил қилиш учун қўшимча ускуналардан фойдаланилади.

Камчилиги: метал сатхидаги тирналган чизиқлар чуқур ўйилмагани учун кўп нусхада босишнинг чегараланганлиги.



Анъанавий офорт станокларива турли сасбоблар.

Офортнинг янги усули.:Органик ойна

– *Органик ойна (оргстекло) сатхида ишилашининг қулайлиги унинг шаффоғлиги билан боғлиқ. Органик ойна остига қаламда чизилган эскизни қўйиб аниқ кўринган тасвир чизиқларини органик ойна сатхида тирнаш орқали бажарии мумкин*

Ашёлари; игна турлари 1. олмос зарачалари ёпишганлиги сабаб жуда ўткир бўлиб ҳар қандай метал сатхини оссонлик билан тирнаш мумкин. нархи қиммат туради. 2. Қаттиқ пўлатдан тайёрланган игна вақти билан чархлаб учини ўткирлаб туришни талаб қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Иоханес Иттен Искусство цвета Москва Д.Аронов 2001 г.
2. Ю Аксенов. М Лебидова “” Издательство Союз Художник Москва 1976 г.
3. А.Ю.Казиев. Художественное оформление Азербайджанс-кой рукописной книги XIII–XVII веков. Издательство “Книга”. Москва. 1979г.

4. Школа изобразительного искусства. VI том. Издательство Академии художеств. Москва. 1963г
2. Эрнст Бергер История развития техники масляной живописи издательство Академии художеств СССР Москва 1961г
4. Сабиров М М “Ашёшуносликва Рангшунослик” Тошкент 2009 й Чўлпон
5. Сабиров М. Хаджиметов Б.мутахассислик бўйича Материалшунослик Тошкент Info Cahital Group 2018й

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАР

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши дирасида реферат ёки курс ишини тайёрлайди.

Мустақил иш талаблари ҳар бир тингловчи ўзи танлаган рассом ижоди ёки бадиий асар тақдимотини тайёрлайди.

Мустақил иш тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- Сарварақ;
- аннотация;
- мундарижа;
- асосий қисм: назарий таҳлил;
- иллюстрациялар иловаси;
- хулоса;
- глоссарий;
- адабиётлар рўйхати.

Кейслар банки;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

Мустақил иш мавзулари

1. Миниатюра санъати тарихи.
2. К. Беҳзод асарлари билан танишув.
3. Қутлуғ Башаров ижоди ва меъроси.
4. Композиция асослари ҳақида маълумотлар тўплаш.

5. Рангшунослик асосий ва қоришка ранглар, Ахроматик ва хроматик ранглар.

6. Икки –уч қомат орасида диалог кўринишини тасвирлаш.

7. Бугунги кун хорижлик график рассомлари ижоди билан танишиш.

8. Тингловчи ўтилган мавзу ёки амлий ишлар босқичини очиб берувчи презентациясини тайёрлаш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Автографюра муалифининг ўзи қаттиқ ашёда кесиб ишлаган асарга айтилади

Аквантинта - рангли сув- бу усулни 1765 йили француз Жан-Батис Лепренс кашф қилди.

А-СТАНДАРТИ - халқаро миқёсда қабул қилинган қофоз ўлчами.

Ватман - (ингл. *Whatman paper*) Жеймс Ватман фабрикасида лойиха чизмаси ўлчамидаги қофоз. .

Графит- қаламнинг хом ашёси. УГЛЕРОД

Графика - (Лотинча *graphicē*- ёзиш, чизиш грек тилида γραφική τέχνη - ёзиш, чизиш санъати маъносини беради)

Гравёр- тасвирни қаттиқ сатҳда ўйиб кесувчи, уста.

Гравюра- кавлаш, кесиш, бўртма ҳосил қилиш маъносини беради

Ксилография- (грекчах *xylon* - ёғоч, *grapho* - чизиш) гравюранинг энг қадимги тури ҳисобланади.

Калька- шаффоф қофоз.

Канцелярия қофози – ёзув учун тайёрланган.

“**Кўхинур**”-йирик олмос номи.

Пастель - бу турли ранглардаги қобиқсиз бўлган қаламчалар.

Ластик - қалам изларини ўчирувчи буюм.

Каучук - тропик дараҳидан олинувчи сутга ўхшаш суюқлик.

Литография - (юононча- *lithos* – тош, *grápho* – ёзаман, чизаман)

Линогравюра – гравюранинг бир тури бўлиб линолиум материали сиртида ишланади

Офорт - (фр. *eau forte* – мустаҳкам сув)-бадиий гравюранинг ўзига хос турибўлиб чукур печат усули деб аталади.

Папирус - Мисрнинг Нил дарёси бўйида ўсадиган қамишсимон ўсимлик.

Пергамент - ишлов берилган кичик жонивор териси.

Сапол- пиширилган лой.

Темур қозони - Қозоғистоннинг Туркистон шаҳри Аҳмад Яссавий мақбарасида сакланаётган Амур Темур бронзадан куйдирган қозон.

“**Усмон Қуръони**”- пергамент сатҳида ёзилган курон.

Цай-Лун - Хитойлик қофоз ихтирочиси.

Самарқанд қофози - VIII асрдан бошлаб Самарқандда тайёрлана бошланган қофоз.

Кўқон қофози - Кўқонда шахрида тайёрланган қофоз.

Шумер, Акада - эра. олдинги 2-асрда Ефрат, Тигр дарёлари оралиғида жойлашган давлатлар номи.

Сиёх-ёзиш мұхр босиши учун тайёрланған рангли суюқлик.

Қайтмас тушь- ювилмайдыган тушь

Перо- сиёхда ёзиш учун металдан тайёрланған мослама.

Плакат - авторнинг қоғозда ишлаган асари бўлиб босма нашр орқали кўпайтирилади

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. 2017 йил

3. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. 2017 йил

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда қурамиз.2017 йил

5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2000.

2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулъмиз, 9-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2001.

3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. - Т.: 2008.-176 б.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”. -Т.: 2011.-440 б.

Норматив-хуқуқий хужжатлар

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

4.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини

ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Махсус адабиётлар

- 1.Булатов С.Тасвирий ва амалий санъат асарларини фалсафий-психологик таҳлили. - Т., 2010й
- 2.Тасвирий ва амалий санъат методикасининг баъзи масалалари.-т.,1975й
- 3.Тавирий санъат амалиётида педагогларни тайёрлаш.-Т, 2006й
- 4.Худайберганов Р.А. Рангшунослик асослари.–Т.: F.Фулом нашриёти. 2006й.–220 б.
- 5.Школа изобразительного искусства. VI том. Издательство Академии художеств. Москва. 1963й
- 6.Эрнст Бергер История развития техники масляной живописи издательство Академии художеств Ссср Москва 1961й
- 7.Сабиров М М “Ашёшуносликва Рангшунослик ”Тошкент 2009й Чўлпон
- 8.Сабиров М.Хаджиметов Б.мутахассислик бўйича Материалшунослик Тошкент Info Cahital Group 2018й

Интернет сайтлари

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:
[www. press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Ахборот - коммуникация технологиялари изоҳли луғати, 2004й,
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. www.ziyonet.uz.
6. Ахборот - ресурс маркази <http://www.atsc.uz/>
7. www.edu.uz
8. www.pedagog.uz
9. www.dsni.uz